

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАЖИМУРАТОВА МУНОЖАТ КУТЛИБАЕВНА

**Мантиқ ва тилда модаллик категориясининг
ифодаланиши**

Мутахассислик: 5 А220102 – Лингвистика (француз тили)

Филология магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация «Француз тили
грамматикаси ва тарихи» кафедрасида
муҳокама қилинди ва ҳимояга
тавсия қилинди.
Кафедра мудири: ф.ф.д.,
профессор Ж.А. Ёқубов

Илмий раҳбар: ф.ф.д.,
проф. Ж.А. Ёқубов

Такризчи: ф.ф.д., проф.
А.Э. Маматов.

“-----” ----- 2010 й.

Т О Ш К Е Н Т - 2010

КИРИШ.....	3-10
1-БОБ. МАНТИ+ ИЛМИДА МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
1.1. Ўрта асрлар даврида модаллик мантиғи ҳақидаги қарашлар.....	11
1.2. Ҳозирги замон мантиқ илмида ҳукмнинг модаллик бўйича бўлиниши ва унинг семантик таснифлари.....	22
Биринчи боб учун хулосалар.....	33
2 БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	36
2.1. Тилшуносликда модаллик категорияси ҳақидаги асосий тушунчалар ва уларнинг семантик таснифи.....	36
2.2. Ҳозирги замон француз тилида модаллик категориясининг Ифодаланиши.....	41
2.3. «Реаллик» категориясининг мантиқ ва тилдаги ўзаро муносатининг француз ва ўзбек тилларида ифодаланиши.....	63
Иккинчи боб учун хулосалар.....	64
УМУМИЙ ХУЛОСА.....	65
АДАБИЁТЛАР.....	68

К И Р И Ш

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда илм-фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш, илмий тадқиқот ишларини жадал олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да республика илмий жамоатчилиги олдига бу дастурни самарали бажариш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш вазифаси кўйилди¹. Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида кўшилиши туфайли айниқса хорижий тилларни ўрганишга, тил муаммоларини ўзбек тили билан боғлаб, қиёслаб ўрганиш, шу соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга эътибор кучайди.

Маълумки, «бир ҳудудда, бир ижтимоий-иқтисодий муҳитда ёнма-ён фаолият кўрсатаётган тилларни қиёсий-типологик нуқтаи назардан ўрганиш, балки умумтилшунослик, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва социолингвистик томондан ҳам муҳим аҳамиятга эга» (Мирзаев 2004, 117). Бироқ бу соҳага доир изланишлар, айниқса, хорижий тилларни ўзбек тилига қиёслаб олиб борилаётган тадқиқотлар кўп эмас. Мазкур тадқиқот иши шу жиҳатдан ҳам долзарб ва аҳамиятлидир.

Ҳар қандай илмий муаммонинг ўртага кўйилиши ва бу соҳада тадқиқот ишларининг бошланиши маълум бир тарихий давр билан бевосита боғлиқ бўлиши шубҳасиздир (Турниёзов 2005, 21). Хусусан, тилда модаллик категориясининг тарихий қўлланиши ва модал феълларнинг турли маъноларни ифодалаши давр ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб ва ривожланиб бориши табиий ҳодисадир. Шундан келиб чиққан ҳолда, мантиқ ва тилда модаллик категориясининг шаклланиш тарихи ва ривожланиш хусусиятларини қадимги, ўрта аср, уйғониш ва ҳозирги давр билан бевосита боғлаб илмий таҳлил этиш, тил билан мантиқнинг ўзаро узвий боғлиқлиги масалалари ҳам ўта долзарб ҳисобланади.

Модаллик категорияси фикрнинг мантиқий қурилиши билан чамбарчас

¹ Кадрлар тайёрлаш тизимида фан. – Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, - 1997, - Б. 52.

боғлиқ тил ҳодисаларидан бўлиб, шу боис тилшунослик ва мантиқ илмининг текшириш объекти ҳисобланади. *Биринчисида* модаллик гапнинг энг муҳим белгиси, *иккинчисида* эса тафаккур шакли ҳукмининг муҳим белгиси сифатида қаралади. Ушбу масалалар тилшунослар назарида "мантиқ ва лингвистика" мавзуси орқали боғланиб, айна пайтда бир-биридан фарқ қилувчи икки муаммо, аниқроқ қилиб айтганда, икки хил ёндашув мавжудлигини, яъни: **биринчидан**, тил ва тафаккур ўртасидаги ўзаро муносабатнинг асосий масала бўлиб қолиши ва унинг марказида тил асосий ўринни эгаллаб туришини, **иккинчидан**, тил ва мантиқнинг ўзаро муносабати янгидан долзарб муаммога айланишини кўрсатмоқда (Степанов 1973, 62).

Маълумки, тил билан тафаккурнинг узвий алоқаси тилнинг моҳиятини аниқлашга ёрдам беради ва имкон борича уни мантиққа яқинлаштиради. Шу боис мантиқ билан тил орасидаги узвий семантик муносабатда намоён бўладиган модаллик категориясини илмий талқик қилиш ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган муаммолардан саналади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тил ижтимоий ҳодисадир, шу сабабли тилдаги муаммолар фақат «соф лингвистика» доирасида тадқиқ қилинса, тилнинг барча мавжуд ички ва ташқи хусусиятларини тўлақонли очиб бериш мумкин бўлмайди. Демак, ҳозирги кунда психолингвистика, социолингвистика, менталингвистика, когнитив лингвистика каби фанларнинг илдам қадамлар билан ривожланиб бораётгани эътиборга олинса, ҳозирги тадқиқотлар тил тизимининг қандайлигини, у қандай элементлардан ташкил топган, унинг структураси нималардан иборат деган масалалар билан эмас, балки *тил қандай яшайпти*, у қандай муҳим *ижтимоий*, *руҳий*, *миллий*, *мантиқий* вазифаларни бажариб келмоқда каби масалаларни ўрганиш вақти етиб келди. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур диссертацион тадқиқот мавзуси ўта долзарбдир.

ифодаланаётган фикрга муносабатини билдирувчи грамматик-семантик категория ёки сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабати тушунилади». Тилшунос Н.+ Турниёзовнинг фикрича, «гап унсурларининг модаллик белгиси бир томондан сўзловчи шахс руҳияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларнинг англатадиган маънолари билан ҳам узвий алоқадордир»(Турниёзов 2005, 22). И.К. Мирзаевнинг таъкидлашича эса, «модаллик фикрнинг воқеликка бўлган муносабатларининг турли хил кўринишларини, шунингдек, билдириладиган нарсаларнинг субъектив тарзда таснифланишининг турлича кўринишларини ифодаловчи функционал-семантик категориядир»(Мирзаев 2004, 38).

Мантиқ илмида «модаллик ҳукмнинг асосий муҳим хусусияти бўлиб, унда предметнинг у ёки бу белгиси ифодаланади. *Модаллик* ҳукмда айтилган воқеликнинг мазмунига кўра, унга бериладиган семантик тавсиф: *ҳукм зарурий, эҳтимолий, тасодифий, ноэҳтимолий* каби тушунчаларнинг предикат билан субъект орасидаги мантикий боғланиши тушунилади. Модаллик **мантиқда чин (реал), хато, тасдиқ, инкор, шарт** маъноларини англатиб, улар махсус модал операторлар орқали ифодаланади. Анъанавий мантиқда *зарурий* (аподиктик), *эҳтимолий* (проблематик) ва *воқеий* (ассерторик) ҳукмлар бир-биридан фарқланади» (Фил.луғ.1976, 318).

Мантиқ илмида модаллик категориясини илмий-назарий тушунтиришда бир қатор мантиқшунос олимлар (Р. Карнап (85, 1971); Р. Фейс (183); Н.Д. Арутюнова (18); Е.А. Сидоренко (155); А.Л. Блинов (27); У.О. Куайн (99,1982); В.З. Панфилов (135, 137, 188); А.В. Исаев (83); Я.А. Слинин (160); С. Крипке (238); Я. Хинтика (234); С. Кнууттила(97); Е. Сааринен (157); М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев (189); М. Шарипов, Д. Файзихўжаева (195) ларнинг хизмати катта.

Тилшунослик фанида модаллик категориясини илмий-назарий таҳлил қилиш бўйича турлича қарашлар мавжуд, бунинг асосий сабаби ушбу семантик категориянинг қўлланиш жиҳатдан ҳар бир тилда турлича бўлиб, бир-бирига мос келмаслигидадир. Жумладан, **роман тилшунослигида**

кўплаб олимлар (Р.А. Будагов (36, 231), Т.Б. Алисова (11, 12, 1971a), М.А. Абдуразаков (6, 24-25); О.К. Васильева-Шведе, Ю.С. Степанов (45, 72-82; 165, 68, 167, 241); Brunot (218, 530-538); Ш. Балли (22, 43-62); Л. Теньер (256, 42-58); М. Коэн (1965,129-136); В.Г. Гак (53, 193-196, 54, 114); М.Н. Сабанеева (150,59); Е.Е. Корди (94,17) модаллик категориясининг ички ва ташқи моҳиятини очиб бериш билан бирга, ушбу семантик категория ҳар хил тил воситалари билан ифодаланиб, улардан феъл майллари ташқи модал доирани ҳосил қилса, модал феъл ва модал сўзлар, юкламалар ички модал доирани намоён қилади деган фикрни баён қиладилар.

Кейинги йилларда модаллик категориясининг функционал аспектида тил ва нутқ муносабатига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, В.Г. Гак модаллик категориясининг адабий ва сўзлашув тил меъёрида қўлланиши, диктум ва модуснинг ўз хусусияти доирасида француз тили нутқининг таркибий тузилишини тўғри ташкил қилиш ва ҳозирги замонда истакни англатувчи сўроқ-инкор модал қурилмаларида олмошларнинг гапда субъект вазифасини бажаришига алоҳида эътибор берган бўлса(Гак 2002, 85-89), Ҳ. Орзикулов эса модаллик категориясини ифодаловчи лисоний бирликларни инженерлик лингвистикаси соҳасида техник воситалар билан боғлаб ўрганишни тавсия қилади (Орзикулов 2000, 22-25). Шунингдек, А.М. Бушуй ҳам ушбу семантик категориянинг гапнинг актуал бўлинишидаги тема ва рема муносабатларидаги роли ҳақида қимматли фикрларни билдирган(Бушуй 2004,12-16).

Мазкур муаммога бу қадар жиддий эътибор берилишининг сабаби, биринчидан, текшириш объектининг ўта мураккаблиги ва кенг қамровлилиги бўлса, иккинчидан, бу лингвистиканинг доимий муаммоларидан бири - тил ва тафаккур муносабатларининг бир кўринишидир.

Ушбу тадқиқот ҳам айнан шу йўналишга бағишланган бўлиб, унда модаллик категориясининг мантиқ ва лингвистикада қўлланишини илмий таҳлил қилиш билан бирга, содда ва қўшма гапларда «реаллик» семантик категорияси француз ва ўзбек тилларида қандай лисоний бирликлар билан

қўлланиши текширилди. Ушбу тадқиқот ономасиологик ёндашув, яъни тилшуносликдаги «*маънодан шаклга*» *тамойили* асосида олиб борилади.

«Маънодан шаклга қараб борувчи илмий таҳлил, - деб ёзади А.В. Бондарко, - маълум семантик категориянинг муайян мақсадга йўналтирилганини аниқлаш билан бирга, мазкур маънони ифодаловчи турли тил воситаларини қидириб топишга, айниқса, грамматик-лексик, грамматик-контекстуал, морфологик, лексик ва синтактик сатҳларда эркин ифодаланмаган мураккаб тил воситаларини намойиш қилишга имкон беради» (Бондарко, 1984, 13). Дарҳақиқат, тадқиқот объектига функционал - ономасиологик ёндашув турли сатҳларда тил воситаларига бўлган муносабатни ва семантик категориянинг матнда қандай йўллар билан қўлланиш хусусиятини ўрганади, шунингдек, нутқда муайян маъно (*реаллик, истак, мумкинлик, зарурият* ва ҳ.к.) ни ифода этиш усулларини ёритишга, бир хил маънони ифодаловчи инвариант маъноларни аниқлайдиган синонимик моделларни ва турли модал қурилмаларни таҳлил қилишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг долзарблиги, биринчидан, алоҳида олинган бир тил ёки қиёсий йўналишда олинган бирдан ортиқ тилларда модаллик категориясининг структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик турларини ўрганишда қатъий мезонларга асосланиш, *иккинчидан*, адабий тил ва сўзлашув нутқида гапнинг диктум ва модус хусусиятларини очиб бериш, *учинчидан*, адабий нутқда ҳамма тил меъёрлари мужассамлашган бўлиши ва сўзлашув нутқида шу тилда сўзлашувчилар томонидан турли вазиятларда қўлланган шакллар мажмуини намоён қилиш, *тўртинчидан*, сўзлашув қоидалари зарурий структуравий тил меъёрлари билан таъминланиши ва грамматик нутқни ҳосил қилишда миллий тил усулини ҳис қилиш, *олтинчидан*, мантиқий модаллик билан лингвистик модалликни қиёсий-тарихий даврларга хос ривожланиш хусусиятларини очиб бериш ва уларни бир-бирига боғлаб таҳлил қилиш, *еттинчидан*, мантиқ ва тилда модаллик категориясининг ўзаро муносабатини семантик майдонлар ёрдамида очиб

бериш, саккизинчидан, функционал аспектда «реаллик» маъносининг морфологик, лексик, синтактик ифодаланиш йўллари содда ва кўшма гапларда батафсил таҳлил этиш энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот объекти. Француз тилида модал феълларнинг содда гапларда қўлланиши ва уларнинг *реаллик* ва *зарурият* категорияларининг ифодаланиши асосий **объект** қилиб олинди.

Тадқиқотнинг манбалари. Тадқиқотда француз ёзувчиларининг бадиий асарларидан (новелла, роман ва эртақлар) ҳамда француз тилидан ўзбек тилига ўгирилган таржима асарларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади:

- Модаллик категориясининг турли тилларда қўлланишини тизимга солиш;

- Модаллик категориясининг даврлар бўйича турли тиллардаги мантиқий-лингвистик хусусиятини аниқлаш ва семантик тавсифини бериш;

- Шу тавсиф асосида француз ва ўзбек тилларида *реаллик* категорияларининг махсус семантик модалемаларини ишлаб чиқишдир;

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда куйидаги асосий **вазифаларни** амалга ошириш назарда тутилмоқда:

- ўрта асрлар ва ҳозирги замон мантиқ илмида мантиқий модаллик категорияларининг даврларга хос ривожланиш хусусиятларини ҳамда уларнинг дифференциал белгиларининг ифодаланиш йўллари аниқлаш;

- турли тизимли тилларда модаллик категориясининг қўлланиш хусусиятларини аниқлаш ва семантик гуруҳларга ажратиб тавсифлаш;

- феълларнинг категориал грамматик маъноларини ифодаловчи тугалланган-тугалланмаган ҳаракат, замон, майл, шахс, нисбат, инкор каби маъноларнинг ифодаланишини таҳлил қилиш;

- француз ва ўзбек тилларида «реаллик» категориясининг қандай лисоний бирликлар билан ифодаланишини ёритиб бериш.

Республикаси Президентининг илм-фанни ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини илмий таҳлил этиш тўғрисидаги асарлари, Ф. Брюно, В.В. Виноградов, В.Г. Гак, В.З. Панфилов, Ю.С. Степанов, А.В. Бондарко ва Е.Е. Кордиларнинг назарий мулоҳазалари тадқиқотимиз учун методологк асос қилиб олинди.

Мавзунинг ёритишда мантиқий-семантик, индукция ва дедукция, қиёсий-тарихий, қиёсий типологик, анализ ва синтез, дистрибутив, трансформацион, статистик, структуравий-семантик ва функционал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-модаллик категориясининг шаклланиши ва ривожланишини илк марта қадимги, ўрта аср давлари ва ҳозирги замон мантиқ илми билан боғлаб ўрганилди ва улар орасидаги модаллик муносабатлари очиқ берилди;

-мантиқ илми ва тилшуносликда модаллик категориясининг ўзаро муносабати **макро** - ва **микромайдонларга** ажратилди ва лексик-грамматик ифодаланишидаги дифференциал белгилари аниқ бир тизимга солинди;

-турли тизимли тилларда (роман, герман, рус, туркий) модаллик категориясига нисбатан умумий ва илмий-назарий қарашларнинг дифференциал белгилари ва уларнинг семантик хусусиятлари махсус гуруҳларга ажратиб тавсифланди;

-француз ва ўзбек тилларида биринчи марта «реаллик» семантик категориясининг функционал аспектда содда гапларда морфологик, лексик ва синтактик ифодаланиши лисоний бирликлар ёрдамида таҳлил қилинди;

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, унда француз ва ўзбек тилларида *реаллик* семантик категориясининг содда гапларда морфологик, лексик ва синтактик ифодаланиши ёритилди, модаллик категориясининг мантиқ ва тилда тутган ўрни аниқланди.

Тадқиқот натижаларидан назарий грамматика бўйича махсус курслар учун маърузалар матнини тайёрлашда, амалий грамматикадан дарслик ва

ўқув қўлланмалари яратишда, шунингдек, тадқиқот материали ва ундаги илмий хулосалардан тадқиқотчилар ўз диссертациялари ва илмий ишларида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 80 саҳифадан иборат.

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифаси, илмий янгилиги, шунингдек, тадқиқотнинг умумий методологияси ва услублари, предмети, назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилди.

Биринчи бобда мантиқ илмида модаллик категорияси назариясини давр-давр ривожланиши, қадимги юнон илм-фанида мантиқий модаллик категориясининг шаклланиши ва уларнинг Аристотель асарларида ривожланиш хусусиятлари кўриб чиқилди. Стоиклар мактаби вакиллариининг мантиқий категориялар ҳақидаги илмий қарашлари ва уларнинг категорияларга берган семантик тавсифлари назарий таҳлил қилинди. Ўрта асрлар Абу Наср Форобий асарларидаги мантиқий категориялар ҳақидаги назарий қарашлар, *de dicto* ва *de re* модал қурилмаларининг мантиқ илмида қўлланиши ва уларнинг тилшуносликда «модус – диктум» тарзида ифодаланиши илмий асосланди. /арб Уйғониш даврида модаллик мантиғининг ривожланиши, Пор-Роял грамматикасидаги мантиқий категорияларнинг қўлланиши ва уларнинг семантик хусусиятлари, Г.В. Лейбницнинг модаллик категорияларига оид илмий қарашлари таҳлил қилинди.

Иккинчи бобда бобда мантиқ ва тилда - француз ва ўзбек тилларида модал феъллар ёрдамида «реаллик» категориясининг содда гапларда қўлланиши назарий ва амалий таҳлил қилинди. Ушбу семантик категориянинг турли лисоний бирликлар ёрдамида морфологик, лексик ва синтактик ифодаланиши батафсил ўрганилди.

Хулосада илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, тегишли

хулосалар чиқарилди ҳамда тавсиялар ва таклифлар берилди. Диссертация охирида фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхати илова қилинди.

1-БОБ. МАНТИ+ ИЛМИДА МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Ўрта асрлар даврида модаллик мантиғи ҳақидаги қарашлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти: «Биз Шарқ цивилизацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахрланамиз, мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аجدодларимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик», - деган фикри буюк алломаларимизнинг жаҳон илм-фани хазинасига салмоқли ҳисса қўшганлигини таъкидлайди (Каримов 2000, 141). Илк ўрта аср Шарқ уйғониш даврининг ёрқин намояндаси Абу Наср Форобий ўз асарларида ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари ва «Ҳаётбахш ҳурфикрлилик» ни шакллантирди ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илғор ижтимоий-фалсафий тафаккурни ривожлантирди. У қадимги Юнон, аввало, Аристотель табиий-фалсафий ғояларининг изчил давомчиси ва тарғиботчиси сифатида танилди. Юнон донишмандлигини чуқур билганлиги, қомусий ақли ва илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшганлиги учун Форобий «Ал-муаллим ас-соний» - «Иккинчи муаллим», «Шарқ Арастуси» деган фахрли унвонга сазовор бўлди. Форобий ўз даврида йирик мантиқшунос олим сифатида кенг шуҳрат қозонган.

Мутафаккир мантиқ илмининг тил, грамматика, фалсафа билан ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб, мантиқий хулоса чиқариш усулларини билиб олиш зарур, дейди. У, айниқса, Аристотелнинг «Аналитика»сини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Бу чин исбот билан хато исботни бир-биридан фарқлашга, мутлақо хато фикр билан чала хато фикрни ажратишга ёрдам беради.

Форобий силлогизм ва исботлаш усули энг тўғри, ҳақиқатга олиб келувчи усул бўлиб, илм-фан, фалсафа шуларга асосланишини айтади. Форобий асосий мантиқий категориялар: тушунча, ҳукм ва уларнинг турлари, хулоса, силлогизм ва уларнинг шакллари, модусларини чуқур таҳлил қилиб, улар тўғрисида изчил таълимот яратди.

Форобий Аристотель мантиғи асосида мантиқнинг барча қисмларини: категориялар, ҳукм, силлогизм, исбот ва унинг турларини, шунингдек, поэтика, риторика, софистикага оид қимматли маълумотларни ўз ичига олган, мантиқий қомус яратди. Форобий мантиғи Шарқда ва сўнграқ /арбда ҳам машҳур бўлган. Энг муҳими, мантиқ илмини Форобий тил илми билан узвий боғлаб, тафаккурни эса нутқ билан биргаликда олиб текширган.

Форобий мантиққа қуйидагича таъриф беради: «Мантиқ бу тўғри фикрни амалга ошириш, ҳақиқатни қўлга киритиш, тўғри фикр юритиш санъати бўлиб, фикрда турли хил хатоларга йўл қўймасликни таъминлайди. Бу шундай бир санъатки, агар одам нотикликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор-бир хулоса қилинадиган бўлса, ҳар доим хатолардан асровчи тенги йўқ санъатдир» (Хайруллаев 1957, 51).

Форобий мантиқнинг асосий категориялари – тушунча, ҳукм ва унинг турлари, силлогистик хулоса, унинг турлари, шунингдек, дедукциянинг шакл ва модулари устида тўлиқ фикр юритиб, улар тўғрисида изчил таълимот яратган. Аристотель сингари Форобий ҳам энг муҳим тушунчалар - категорияларни: материя, субстанция, акциденция, ҳаракат, вақт ва ҳоказоларни бирма-бир таҳлил этади. Ҳукм ва силлогистика тўғрисидаги фикрлар Форобий тадқиқ қилган мантиқ илмининг энг муҳим қисмларидир.

Афсуски, ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидаги «Евроцентризм» оқими тарафдорлари Шарқ халқлари мутафаккирларининг, шу жумладан, Абу Наср Форобийнинг илғор ижтимоий-фалсафий ва мантиқий фикрларини тан олишмади. Уларнинг даъвосича, Шарқ илм-фани, маданиятининг ҳар қандай кўриниши /арбнинг таъсирида вужудга келган. Шарқдаги ҳар қандай ижтимоий-фалсафий ва мантиқий фикрлар /арбда илгари сурилган фикр, ғоялар билан суғорилган. Ўрта асрларда Шарқда ривожлантирилган фалсафий-мантиқий фикрларни асло тан олмайдилар(Фил.луғ 1976, 25). Шу билан бирга, «Евроцентризм»нинг баъзи намояндалари ўзларининг реакцион

қарашларини яшириш мақсадида /арб билан Шарқ ижтимоий-фалсафий ва мантиқий фикрларини уйғунлаштириш баҳонаси билан /арб билан Шарқ ягона маънавий идеал томон интилади, улар бир-бирига ёрдам бериши зарур деб исботлашга ҳам уринадилар.

Улар «Форобий билан Афлотун ҳамфикр бўлган, Форобий фалсафаси мантиғи билан Аристотель фалсафаси мантиғида умумийлик бор» деб уқтирадилар. Бу бор ҳақиқат. Бу қадимги юнон илм-фанининг буюк намояндаси Аристотель ва ўрта аср Шарқ уйғониш даври илм-фанининг улуғ вакили Форобийнинг мантиқ категориялари ҳамда уларнинг модаллик хусусиятларини таҳлил қилишда яққол кўринди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Форобийнинг фалсафа ва мантиқ илмига оид қарашлари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган ва Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида кенг кўламда ўрганилмоқда, жамият, ижтимоий тараққиёт, одам ва унинг моҳияти, комил инсон шахсини шакллантиришда буюк аждодимиз Абу Наср Форобийнинг бой илмий мероси муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўрта асрларда яшаган бир қатор /арб мантиқшунос олимлари (Вильям Оккам, Джон Буридан, Псевдо Скот кабилар) модаллик мантиғини янада ривожлантирдилар. Улар асосий эътиборни модал гапларнинг семантик жиҳатдан ўзаро узвий боғланишига, шунингдек, гапларда фикрнинг мантиқий боғланиш ва боғланмаслик ҳолатларига қаратдилар. Мантиқшунослар деонтик модаллик (зарурият ва мажбурият), имконият ва ижозат (рухсат), мумкин эмаслик ва таъқиқ каби тушунчалар орасидаги ўзаро ўхшашлик ва ноўхшашликнинг семантик хусусиятларини тушунтириб бердилар.

Қадимги давр тафаккурида модаллик статистик тушунтиришнинг асосий ривожланиш йўллари *necessarium perse* (хусусий зарурият) ва *necessarium per accidens* (пассив зарурият) иборалари билан изоҳлаб берилган. XII-XIII асрларда мантиқ илмида «умумий мантиқ» деган тушунча расман қабул

килинди. Модаллик тушунчасини англашда ва уни гапларда ифодалашда асосан юқоридаги икки типдан фойдаланилган.

Биринчи тип ҳар доим ўзининг чинлик хусусиятини ўзгартирмаслиги билан характерланса, **иккинчи тип** эса гапда маълум вақтдагина ўзининг чинлик маъносини сақлаб қолади.

Ўрта асрларда детерминизм (предметнинг муҳим белгиларини ёки мазмуни ва чегараларини белгиловчи таълимот) билан боғланган ҳар хил муаммолар аристотелча руҳда таҳлил қилинади. Бу таҳлил асосида модал гаплар ё *in sensu composito* (мазмуннинг боғланиши – **Ж.Ё.**), ёки *in sensu divisio* (мазмуннинг бўлиниши – **Ж.Ё.**) мавжуд эди. Бундай гапларнинг таҳлили **de dicto** (мазмун ҳақида) ва **de re** (предмет боғланиш) модал қурилмалари деб аталарди (97, 150).

Ўрта асрларда модаллик мантиғини ривожлантиришда *de dicto, de re* модал қурилмалари мантиқшунос ва тилшунос олимларнинг диққатини тортган. Бу конструкцияни олимлар ҳам мантиқда, ҳам тилшуносликда илмий таҳлил қилиб чиқдилар. Ушбу конструкцияларнинг семантик хусусиятларни тушунтиришда мантиқшунос ва тилшунос олимлар, масалан, Ж. Викерс (1976), С. Кнууттила (1979:84), Е. Сааринен (1984), В. Целишев (1978), Я. Слинин (1967), А. Блинов (1983), Б. Пятницўн (1984) кабилар юқоридаги модал конструкцияни мантиқ илмида ўрганган бўлишсалар, бошқалари эса, Ш. Балли (1955), В.Г. Гак (1986), Т. Алисова (1971), Е. Вольф (1985), Ян Светлик (1979) унинг тилда ифодаланишини кўриб чиқдилар. Уларнинг модаллик конструкциясига муносабатлари асосий фикр-мулоҳазалари қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

1-жадвал

№	Мантиқшунос ва тилшунос олимлар	Модал конструкцияга бўлган ҳар хил семантик ёндашиш ва унинг мантиқий-лингвистик жиҳатдан талқин қилиниши.
1.	Балли Ш.	Модус ва диктум

2.	Гак В.Г.	Модус ва диктум
3.	Алисова Т.Б.	Модус ва диктум
4.	Вольф Е.М.	Модалликни баҳолаш конструкцияси
5.	Викерс Ж.	Модал шакл
6.	Кнууттила С.	Модал конструкция
7.	Пятницўн Б.	Модал шакл
8.	Сааринен Е.	Модал пропозиционал қурилма
9.	Слинин Я.	Модал оператор – модал предикат
10.	Ян Светлик	Модал компонентлар
11.	Целишев В.	Модал оператор ёки модал белги
12.	Прайёр А.	Модал шакл
13.	Блинов А.Л.	Пропозицион қурилма

Жадвалдан кўринадики, модал конструкцияга бўлган муносабат бир хил эмас. Модал конструкцияга баъзи бир мантиқшунос олимларимиз пропозиционал қурилма ёки пропозиция деб қарашди. Ҳозирги замон мантиқ фанида пропозиция тушунчасига тез-тез мурожаат қилинади. Бу тушунчанинг баҳсли, мунозарали томонлари гапларнинг мантиқий тузилишига тааллуқлидир.

Шу ўринда илмий қарашларни таҳлил қилишдан олдин «пропозиция» атамасининг қандай мантиқий маъноларни англатиши мумкинлигини кўриб ўтайлик. Пропозиция (фр. proposition) атамаси тилшунослар томонидан қабул қилиниб, бу атама тилда ҳукмнинг ифодалаш шакллариغا – дарак гапга, умуман, ҳамма гапларга тегишлидир. Н.Д. Арутюнованинг фикрича, «пропозиция атамасининг мазмуни тилда ҳукмнинг ифодаланиш шакллариغا боғлиқ бўлиб, бу ифодаланиш дарак гапларда, сўнг, умуман, ҳар қандай гапда ҳосил бўлиши мумкин. Пропозиция ёки мантиқий ҳукмлар замирида тафаккурнинг асосий шакли-тасдиқ ёки инкор ётади. Пропозиция атамасини шарҳлаш ва уни изоҳлаб бериш гап назариясига боғлиқ» (18, 46).

«Пропозиция – деб таъкидлайди Ю.С. Степанов,- бир неча мантиқий

эквивалент (тенг маъноли) гаплар умумий инвариантининг мазмунидир. Пропозиция атамаси бир пайтнинг ўзида «хукм» атамаси ўрнида қўлланиши ҳам мумкин, аммо бунда фарқ унча сезилмайди» (Степанов1981, 30). Ю.С. Степанов бу атама билан бир пайтда, «пропозиционал функция» деган атамани ҳам ишлатади. Унинг фикрича, «пропозиционал функция» «гапнинг тузилиш чизмаси» деган тушунчани англатиб, синоним сифатида ишлатилади. Пропозиционал функция ва гаплар хукм шакллари ёки пропозициядир. Пропозиция хукмларнинг моҳияти (мазмун) сифатида катта роль ўйнайди» (Степанов1981, 136).

Г. Клаус пропозиционал функция деб тил ходисаси - дарак (тасдиқ) гапнинг грамматик формага эга бўлишини тушунади, аммо мазмун ўзгарувчандир. Ўзгарувчанлар (формулалар) гапларда доимийликка ўтса, пропозиционал функция гапга айланади (Клаус 1960, 70).

«Пропозиция онгимизда ниманики ўйлаётган бўлсак, у хоҳ тўғри, хоҳ хато бўлсин, тилда ифодаланиш мазмунини англатган гапни тушунишдир», - деб ёзади Г.Фреге(Frege 1952, 63).

Льюиснинг фикрича, «пропозиция ўзининг кучли таъсирида тасдиқ, инкор, тахмин, шубҳа каби маъноларни келтириб чиқарувчи тил бўлагидир». Льюис пропозицияга отнинг бир кўриниши сифатида қараб, уни коммуникатив модалликдан фарқлайди. Унинг фикрича, «коммуникатив модалликка фақат дарак (тасдиқ) гапгина эмас, балки сўроқ, тахмин, шубҳа, буйруқ каби маъноларни англатган гаплар ҳам киради» (Lewis 1952, 242).

Худди шунга ўхшаш фикрларни У. Куайян (99, 206) ва Б. Рассел (1956, 314) асарларида ҳам учратиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, пропозиция гапнинг муайян мақсадига йўналтирилган тил бирлигининг инвариант қисми бўлиб, у предикатлар билан узвий боғлиқ ҳолда турлича семантик тушунчаларни (истак, инкор, тўғри, нотўғри, реал, тасдиқ ва ҳ.к.) ифодалаш учун хизмат қилади. Пропозиция гап таркибида эркин ҳаракат қилиб, бирор гап бўлагининг

мазмунини сақлаган ҳолда алмашиб қўлланиши мумкин¹.

Таъкидлаш лозимки, «пропозиция» тушунчаси мантиқшунос олимлар томонидан турлича тавсифланади. Масалан, Финляндиялик мантиқшунос олим Е. Саариненнинг пропозиционал қурилма тўғрисидаги илмий карашлари ҳам диққатга сазовор. Е. Сааринен ушбу конструкцияни модал пропозиционал қурилма деб атайди. Унинг фикрича, таркибида пропозиционал установкани ифодалаган контекстлар қуйидаги учта муаммо билан боғланган. 1) «квантификация в» - гапнинг умумий мазмун ҳажми; 2) турғун десигнаторлар (атоқли от, кўрсатиш олмошлари, индикаторлар), эҳтимол, улар пропозиционал установкаларнинг контекстларида доимо ишлатилмаслиги мумкин; 3) ҳамма нарсани мантиқий билиш муаммоси (Сааринен 1984, 249).

Бу муаммолардан биринчисини Сааринен интенционал контекстларда кўриб чиқади. Мантиқшунос интенционал контекст деганда, шахсиз модал контекстни тушунади. Жумладан: «*Необходимо, что*», «*возможно, что*» ёки модал текстда шахснинг иштироки билан, масалан, «*Отто считает, что*». У «квантификация В» муаммосини асосан интенционал контекстларда кўради ва хулоса сифатида қуйидаги фикрни айтади: «агар кимдир – p ни билса, унда у q ни ҳам билади. Ҳамма учун q бўлса, улар мантиқий p дан келиб чиқади. Аммо, таъкидлаш лозимки, ҳамма нарсани мантиқий билиш муаммоси фақат моддий оламнинг семантикасига хос хусусият бўлавермайди» (Сааринен 1984, 264).

Викерснинг таъкидлашича, «ҳар қандай модаллик икки хил шакл (*de dicto, de re*) да пайдо бўлиб, улар ҳаракат доирасига кирувчи гапнинг предикатига тегишли бўлади» (257, 361).

¹ Шундай =илиб, «пропозиция» тушунчаси тилшуносликда =уйидаги семантик хусусиятлари билан тавсифланади: 1) пропозиция ани= тафаккур шакли сифатида шукмга мос тушиб, у модал =исм ва диктумлардан ташкил топиши; 2) бу тушунча мужассамлаштирилган шукм сифатида изошланиши; 3) «пропозиция» атамаси шар =андай гап былагига нисбатан =ылланиб, у предикатлар билан уй/унлашиб, шаракатнинг муайян ма=садга йналтирилганлигини ифодалаш.

Ян Светлик ўзаро мулоқот жараёнини таҳлил қилар экан, модал конструкцияни нутқ оқимида иштирок этадиган учта модаллик компоненти деб атайди. Улар қуйидагилар: «1) сўзловчи (Dr-dictor), 2) адресат-тингловчи (Re-perseptor) ва 3) гапнинг мазмуни (d-dictum)» (Ян Светлик 1979, 290). Бу семантик компонентлар бир-бири билан гапда узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатлари синтактик модалликнинг умумий моделини ташкил қилади. Бу моделни Ян Светлик қуйидагича кўрсатади: СМО қ Dr:Re:d. Муаллиф фикрича, «гапнинг модаллиги асосан юқоридаги компонентларга боғлиқ бўлиб, уларнинг семантик маънолари тўрт хил гап турида: дарак, буйруқ, сўроқ, истак гапларда ифодаланиши мумкин. Ҳар бир гап тури ўзаро бир-бири билан синтактик муносабатда бўлиб, улар синтактик модаллик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади» (Ян Светлик 1979, 291).

Бу модал конструкцияни мантиқшунос Я.А. Слинин модал оператор деб тушунтириб шундай таъкидлайди: «модалликнинг *de dicto*, *de re* ларга бўлиниши бу ўрта аср олимларининг таъсиридир. Модаллик ҳукмини аниқлаш учун, албатта *de dicto*, *de re* ларнинг гап таркибида жойлашган «субъект – предикат» элементларини аниқлаш керак. Бунда асосий фарқ қуйидагича: модаллилик оператор деб қаралган *de dicto* ҳукми бутунлай гап мазмунига тегишли, *de re* эса фақат предикатга боғлиқдир (Слинин 1967,122). А.Л. Блинов ушбу конструкцияларни мантиқий таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги мисолларни келтиради:

«*Виктор полагает, что ректор Саратовского университета – физик*». (38) Бу мисолни икки хил тушуниш, шарҳлаш мумкин: *Виктор полагает, что какой бۇ человек ни занимал должность ректора Саратовского университета, этот человек является физиком* (39). «*Виктор полагает, что он (этот человек) является физиком*(40)» (Блинов 1983, 105).

Келтирилган мисолларда А.Л. Блинов матннинг умумий мазмунини сақлаб қолиб, уни *de dicto* (38) конструкцияси билан берса, кейинги мисол эса *de re* (39) конструкцияси гапнинг синтактик ҳажмини кенгайтиришга

хизмат қилади. Барча гапларда «шахс ва унинг касби» маъноси ифодаланган.

Таъкидлаш лозимки, *De dicto, de re* модал конструкцияларининг семантик хусусиятлари фақат мантиқшунос олимларни кизиқтириб қолмасдан, балки қатор тилшуносларнинг ҳам диққат марказида бўлган. Улар конструкцияларнинг қўлланишини тилшуносликда «Модус–диктум» сўзлари орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилганлар.

Швейцариялик олим Ш. Балли модал конструкция тўғрисида қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирган: «Ҳар қандай эксплицит гап икки қисмдан иборат: улардан бири тасаввурни ҳосил қиладиган жараёнга коррелятив (уйғунлашган) бўлади, уни «диктум» деб атаймиз; иккинчиси фикрловчи субъект амалга оширадиган операцияларга коррелятив бўлади, уни «модус» деб атаймиз. Модал феъл ва модал субъектдан ташкил топган модус диктумни тўлдиради. Модаллик – гапнинг асоси (қалби-юраги), фикр сингари у ҳам сўзловчи субъектнинг фаол ақлий фаолияти натижасида юзага келади. Бинобарин, агар англатилган фикрда модалликнинг қандайдир бир ифодаланиши бўлмаса, уни гап деб аташ мумкин эмас» (Балли 1955, 44).

Ш. Балли мантиқий тузилган гап бўлаклари орасидаги модал субъект, модал феъл ва диктум муносабатларини таҳлил қилар экан, у модаллик маъноси шахссиз гапларда эмас, балки шахсли гапларда кўпроқ қўлланишини мисоллар ёрдамида тушунтириб беришга ҳаракат қилган.

В.Г. Гак гапнинг семантик моҳиятидан келиб чиқиб, уни диктум ва модусга ажратади. Унинг фикрича, «диктум – воқеликни акс эттирса, модус эса сўзловчининг воқеликка бўлган муносабатини (унинг билими, шубҳа, ҳиссиёти, хоҳиши ва шу кабилар) ни ифодалайди» (Гак 2002, 253). В.Г. Гакнинг модус ва диктумга оид илмий қарашларини қуйидаги мисоллар ёрдамида тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз:

Pierre est venu.

Pierre n'est pas venu.

Pierre viendra.

Pierre est-il venu ?

Pierre, viens !

Je veux que Pierre vienne.

Pierre viendra, peut-etre.

Je ne crois pas que Pierre vienne

(Гак 1986, 115).

Берилган гапларнинг ҳаммасида битта воқелик, яъни битта субъект (**Pierre**) ва унинг ҳаракати ҳақида сўз бораяпти. Аммо улар бир-биридан маъно ва мазмун жиҳатидан замонга кўра фарқ қилади. Мисолда реаллик (тасдиқ, сўрок, инкор, тахмин) сўзловчининг воқеликка муносабати (**Je veux, je ne crois pas**) ифодаланган тил элементлари ўзгарувчандир. Шунга ўхшаган ўзгарувчан ва ўзгармайдиган элементлар бир неча синтактик назарияларда модус ва диктум деб қаралган. Диктум (лотин тилида dictum айтилган фикр, гап) гапда нима ҳақида фикр (воқеа, факт) кетаётганлигини англатиб, хабар қилади. Берилган мисоллар замирида диктум тушунчаси пропозиция тушунчасига мос тушади. Юқоридаги гапнинг асосий пропозицияси – бу *Пьернинг келишидир*.

В.Г. Гак асосий эътиборни тил вазиятига қаратади, чунки бу вазият(воқелик) гапда иккита аспекти қамраб олаяпти: воқеликка муносабат ва нутқ ҳолати, яъни мулоқот мақсади. Бинобарин, биринчидан, диктум номинатив гапда объектлар орасидаги мазмун моҳиятини очиб берса, иккинчидан, модус – модал-коммуникатив аспектда сўзловчиларнинг мулоқот мақсадларини ифодалаш учун хизмат қилаяпти.

Т.Б. Алисова модус ва диктумнинг ўзаро муносабатига катта эътибор билан қарайди. Унинг фикрича, «ҳар қандай мулоҳазанинг предикативлик табиати икки қатламдан иборат бўлиб, биринчисида денотатдаги (диктумдаги) субъект – предикат муносабатлари қамраб олинса, иккинчиси – сўзловчининг шу алоқаларга бўлган муносабатидир (модус).

Сўзловчининг аниқ тушунчани мулоҳазада ифодалаш семантик субъект томонидан эксплицит (аниқ) ёки имплицит (яширин) тарзда намоён бўлиб, субъектнинг диктумга бўлган муносабатини эса эксплицит ёки имплицит ҳолатда ифодаланувчи семантик предикат деб қараш мумкин» (12, 54).

Т.Б. Алисова диктум орқали модал маънони тушунса, модус орқали эса семантик маънонинг берилиш йўллари изохлайди. Бошқача айтганда, модус ва диктумни эксплицит модаллик деб олади, бу модаллик икки хил модус ҳолатида мавжуд бўлади: гапириш модуси ва субъективликнинг баҳолаш модуси ҳолати. Бу иккала ҳолат бир-бирини инкор қилмайди, балки улар бир-бирини тўлдиради (Алисова 1971, 63).

Т.Б. Алисова гапириш модуси деганда коммуникатив модалликни, субъективликни баҳолаш модуси деганда эса эксплицит модалликни, яъни тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапда ифодаланган модаллик муносабатларини тушунади.

Модал конструкциянинг яна бир семантик хусусияти, Е.М. Вольф фикри билан айтганда, бу - унинг «баҳолаш модаллигидир». Унинг таъкидлашича, «хилма-хил баҳолаш гапларини (шакл жиҳатидан) иккита муҳим турга бўлиш керак, улар ўзининг семантик ва синтактик таркиби билан бошқалардан фарқ қилади» (Вольф 1985, 13).

Е.М. Вольфнинг фикрича, агар модус-диктум типигаги конструкция ва субъект-предикат баҳолаш конструкциялари (баъзан семантик) ораларидаги фарқ назарда тутилса, «*de dicto* ва *de re* конструкцияларининг баҳолаш модаллиги деб номланишини шу шарт билан қўллаш мумкин.

Е.М. Вольф юқоридаги қурилманинг модаллик хусусиятини қуйидаги мисолларда таҳлил қилади. Такқосланг: «*Хорошо, что он учитель*» (*De dicto* шаклини баҳолаш) ва «*Он хороший учитель*»; «*Наш учитель – хороший*» *De re* шаклини баҳолаш. Оддий тилда баъзан баҳолашнинг икки тури (кўриниши) битта гапда уйғунлашиб (бирга қўшилиб) кетади: такқосланг: «*Хорошо, что сегодня хорошая погода*». Бундай ҳолда ўзининг семантик белгилари бўйича фарқ йўқолиб кетмайди, қоида бўйича бу ерда асосли далиллар керак: «*Плохо, что погода хорошая, не хочется сидеть за работой*». Бу фарқ битта гапда бир неча баҳолаш структураси бўлиши мумкинлиги билан тушунтирилиши лозим. Улар бир-бирлари билан бир хил бўлса-да,

ўзаро турлича баҳолаш муносабатида бўлиши мумкин» (Вольф 1985, 14).

Е.М. Вольф баҳолаш модаллигини тушунтиришда аниқловчи-сифат ва предикатлардан фойдаланиб, модал конструкция *de dicto* баҳолаш шаклини(мазмун)ифодалаган бўлса, унда *de re* шакли эса баҳолашнинг турли хил гапнинг семантик-синтактик вариантларини ҳосил қилиш хусусияти билан ажралиб туришини таъкидлайди.

Юқорида баён этилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, VIII-XVI асрларда Шарқда, шу жумладан, Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикр, илм-фан қайтадан ривожлана бошлаган. Шунинг учун бу давр ўрта аср Шарқ Уйғониш даври, деб эътироф этилган.

Шарқ илм-фани дурдоналарининг билимдони Николай Конрад ўрта аср Шарқда ижтимоий-фалсафий ва мантикий фикрларнинг ривожланиши /арб уйғониш давридагига қараганда анча аввал бошланганлигини таъкидлайди.

1.2. Ҳозирги замон мантиқ илмида ҳукмнинг модаллик бўйича бўлиниши ва унинг семантик таснифлари

Мантиқ илмида модаллик, ҳукмнинг модаллик бўйича бўлинишлари мантиқшунос олимлар орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Ҳукм тафаккурнинг асосий шакли бўлиб, у нарса ва ходисалар, уларнинг турли белгилари, хусусият ва муносабатлари ҳақидаги тасдиқ ёки инкорни ифодалайди. Тасдиқ ёки инкор ҳар қандай ҳукмнинг муҳим белгисидир. Агар ҳукм ўзига хос тасдиқ ёки инкор белгисига эга бўлмаса, у ҳукм бўла олмайди. Масалан: *Рейтинг тизими талабалар билимини баҳолашнинг энг асосий тўғри йўлидир* гапида тасдиқ орқали рейтингнинг муҳим белгиси - талабалар билимини тўғри баҳолаш англашилади. *Билим олишнинг чегараси йўқ* деган ҳукмда билим олиш чегарасиз эканлиги инкор орқали ифодаланади.

Ҳукмлар ҳақидаги таъриф ва тушунчалар ҳар хил. «Философия луғатихукмга: «Модаллик ҳукмда айтилган даъвонинг «тақозоси»га кўра,

унга бериладиган тавсиф: ҳукм зарур, эҳтимол, тасодиф, номаълум ва бошқа бўлиши мумкин деб таъриф берилган» (Форобий 1993, 318).

Таъкидлаш лозимки, Аристотель давридан буён модаллик ҳукмларнинг бўлинишига асос қилиб олинади. Ҳар қандай ҳукм ўзининг *зарурий* ва *эҳтимолий* моҳияти билан характерланади.

XIII аср ўрталарида мантиқшунос Вильгельм Шервуд мантикий модаллик муаммолари билан шуғулланиб, олти модаллик шакли борлигини таъкидлаган: «чин», «хато», «эҳтимол», «мумкин эмас», «тасодифий», «керак». Кейинги асрда эса бу модаллик учта шаклга бирлаштирилди: «зарур» (албатта), «мумкин» ва «мумкин эмас», кейинчалик «чин», «хато» ва «мумкин эмас» деб аталган (Кондаков 1975, 359).

Модал ҳукмларнинг хулосалари алоҳида предмет сифатида Оккам ва Жан Буридан асарларида ўрганилган. Жан Буридан модаллик функторлари (*керак-шарт*, *мумкин эмас*, *мумкин*) ҳақида гапириб, ҳукмларнинг модаллиги ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб борган. XVIII асрда Кант модаллик белгиларини ассерторик (воқеий, тасдиқ), аподиктик (зарур-керак), проблематик (мумкин, эҳтимол) ҳукмларга бўлган (Кондаков 1975, 360).

Анъанавий формал мантиқда ҳукм модаллик хусусияти билан уч гуруҳга: эҳтимолий (проблематик), воқеий (ассерторик) ва зарурий (аподиктик) ҳукмларга бўлинади.

Эҳтимолий ҳукмда предмет ёки шахснинг хусусияти (қобилияти) бор ёки йўқлиги акс этади. Масалан: *Эҳтимол, университетимиз талабалари қўшиқлар танловида биринчи ўринни эгаллар. Воқеий ҳукмда* эса предметнинг бирор-бирбелгига эга ёки эга эмаслиги таъкидланади. Масалан: *Мустақиллик майдони республикамизнинг энг чиройли майдонидир. Зарурий ҳукмда* предметнинг ҳар қандай шароитда маълум бир белгига эга эканлиги акс этади. Масалан: *Илмсиз фан ривожланмайди ёки Балиқ сувсиз яшай олмайди.* Мисоллардан кўринадики, фаннинг ривожланиши учун илм, балиқнинг яшаши учун сув зарур.

Маънавий мантикда зарурий (аподиктик), эҳтимолий (проблематик) ва воқеий (ассерторик) ҳукмлар бир-биридан фарқланади. Ҳукмларни оддий ва мураккаб ҳукмларга бўлиш мумкин. Бирон бир мантиқий тизимдаги ҳукмлар мазкур система доирасида бошқа ҳукмларга бўлинмаса, оддий ҳукм саналади. Мураккаб ҳукмлар турли мантиқий бирлаштирувчи боғловчилар(конъюнкция): «ва», «ҳам» каби айирувчи (дизъюнкция): «ёки», «ё», «агар ... у вақтда» (боғловчи-импликация) воситасида оддий ҳукмлардан тузилади. Ҳар қандай ҳукм, албатта, гапда ифодаланади. Гапнинг маъносига қараб зарурий ва эҳтимолий ҳукм эканлигини англаш мумкин.

В. З. Панфилов гапда ҳукмнинг ифодаланишини тавсифлаб берар экан, у асосий эътиборни гапда ифодаланган ҳукмнинг таркибий тузилишига қаратади. Унинг фикрича, ҳукм тузилишига кўра икки даражага эга. «Биринчи даражада ҳукм тузилиши ҳозирги формал мантикда пропозиционал функция сифатида қаралиб, у N - ўринли предикатни ва унинг аргументларини (предметларини) ҳосил қилади, бу ҳолда ҳукм камида иккита гап бўлакли, агарда предикат бир ўринли бўлса, масалан, *Иван борапти* гапи икки, уч ёки кўпроқ компонентли бўлиши мумкин. Масалан, *Иван китобни қўйди* ёки *Иван китобни стол устига қўйди* мисолларини олсак, бу ерда биринчи гап предикати «қўйди» иккита аргументга (*Иван ва китоб*) эга, иккинчи гапда эса учинчи аргумент (*стол*) бор. Иккинчи сатҳда, гапда ифодаланган ҳукм тузилиши субъект-предикатдан ташкил топиб, у анъанавий формал мантикда S есть P , яъни SP дир формуласи билан ифодаланган. Бу ерда S предметнинг моҳиятини билдириб келувчи субъект бўлса, P ҳаракатни, ҳолатни англатувчи предикатдир» (Панфилов 1963, 37-38).

Ҳукмда предмет ва унинг хусусияти орасидаги объектив боғлиқлик тасвирланиб, бу боғлиқлик ривожланиб, ўзгариб боради. Табиийки, бизнинг тафаккуримиз предметнинг умумий хусусиятларини қамраб олишга ва уларни қабул қилишга ҳаракат қилади. Объектив воқеликни тасвирлашда тафаккур қуйи ҳукмдан юқори ҳукм шаклига ўта боради. Демак, ҳукм

оддийдан мураккабга қараб силжийди.

Предметларнинг ҳажми ва уларнинг мазмунини ифодалаш хусусиятига қараб ҳукм «1) ҳукм предметларни тасвирлаш сифатига кўра *тасдиқ* ва *инкор* ҳукмларга бўлинади. Ҳукмнинг *тасдиқ* ва *инкор* шакллари ҳукмнинг сифати деб аталади, 2) ҳукм предметларни тасвирлаш ҳажми ва сонига қараб *якка*, *жузъий (айрим)* ва *умумий* ҳукмларга ажратилади, 3) ҳукм предметларнинг боғлиқлик табиатини тасвирлаш ва уларнинг хусусияти бўйича *шарт*, *айирув* ва *категорик* ҳукмларга бўлинади, 4) ҳукм предметларнинг хусусиятини тасвирлаш учун мавжудлик даражасига кўра *эҳтимол* (проблематик), *воқеий* (ассерторик) ва *зарур* (аподиктик) ҳукмларга ажралади» (Кондаков 1975, 575).

Бу фикрлардан шуни англаш мумкинки, Н. Кондаков гапларда ҳукмларнинг берилишини ҳар томонлама изоҳлаб, уларнинг тузилиши, мазмуни, сифати ва сонига қараб, ҳукм мезонларини содда гапларда содда ҳукм, мураккаб гапларда эса мураккаб ҳукм бўлиб келишини таъкидлайди. Мазкур ҳукмларнинг хусусиятларини мантиқшунос олим П. Таванец таърифича: «Эҳтимолий ҳукм ҳукмда предметнинг қандайдир белгиси борлигини акс эттиради. Воқеий ҳукмда предметнинг аниқ белгиси ёки аниқ воқеликнинг мавжудлиги ифодаланади. Зарурий ҳукмда эса предметнинг (воқеликнинг) керакли белгиси – хусусияти ёки моҳияти ўз аксини топади» (Кондаков 1975, 84).

П.Таванец ҳукмлар орасидаги фарқни тушунтириш билан бирга уларнинг семантик моҳиятини ҳам айтиб, ҳукмларнинг модаллик хусусиятларини изоҳлар экан, асосий эътиборни ҳукмлар орасидаги мантиқий модаллик моҳиятига қаратади: «Эҳтимолий (проблематик) ҳукм аниқ реал ҳукмга қарама-қарши қўйилади. Мазкур ҳукмлар воқеий ҳукм доирасида қўрилиши керак. Эҳтимол ва реал ҳукм бир-биридан гапда ифодаланиш хусусиятига кўра фарқ қилади» (Таванец 1955, 102).

Бир гуруҳ олимлар (Таванец, Горский, Исаев ва б.) модаллик

мантигининг моҳиятидан келиб чиқиб, биринчи модаллик ҳукмини тан олган ҳолда асосий эътиборни мантиқ субъектига қаратади. Гап шундаки, биз фақат субъект орқали объектив реалликни тушуниш, қолаверса, фақат реал оламни билиш жараёнида олимлар томонидан ажратилган эҳтимол, воқеий (тасдиқ) ва зарурий ҳукмларда, уларда моддий оламни билиш жараёни ва унинг босқичлари асосланишини кўрамыз.

П.Таванец фикрича, «Ассерторик ҳукм, қуйи босқич сифатида аниқ намоён бўлиб, у ҳукмнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шу ҳукм тури орқали биз тўғридан-тўғри эҳтимолий ҳукм орқали объектив оламни билиш жараёнидан зарур ҳукмга ўтамыз» (Таванец 1955, 101). Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, объектив оламни билиш жараёнида бир ҳукмдан иккинчи ҳукмга ўтиш мумкин. Масалан, *Марсда ҳаёт бўлиши мумкин* гапидаги эҳтимолий ҳукм *Марсда ҳаёт бор ёки йўқ* реал воқеий ҳукмга айланиши мумкин ёки *Ёмғир ёғиши мумкин* гапидаги эҳтимолий ҳукм *Ёмғир ёғди* ёки *Ёмғир ёғмади* воқеий-тасдиқ ҳукмга айланиши мумкин.

Биринчи гапда Ҳаёт борлиги ёки Ёмғир ёғиши тахмин қилинаётган бўлса, *иккинчи гапда Ҳаёт бор ёки Ёмғир ёғди* ҳукми тасдиқланапти. Демак, ҳукм ё тўғри, ё нотўғри бўлиб, бир-бирига ўтиши ҳам мумкинлиги кўрсатилаяпти. Бу ҳақда Д.П. Горский шундай ёзади: «Ҳукм шундай фикрни намоёниш қиладики, унда объектив борликдаги қандайдир воқелик ё тўғри, ё нотўғри бўлиб, ҳукм, албатта, иккисидан бирини ифодалайди» (Горский 1958, 86).

Мантиқ илмида ҳукм сифатида кўра инкор ва тасдиқ ҳукмга бўлинади. Мантиқда бир ҳукмдан иккинчи бир ҳукмга ўтиш ҳамиша баҳсли, аниқроқ қилиб айтганда, эҳтимолий ҳукмни қайси ҳукм турига киритиш ҳақида мантиқшунослар ўртасида ягона фикр йўқ.

Баъзи мантиқшунос олимлар ҳукмни бундай тушуниш тескари хулосага, яъни эҳтимолий ҳукмлар турига кирмаслиги ҳам мумкин деган фикрга ҳам бормоқдалар. Эҳтимолий мулоҳазаларнинг мантиқий табиати,

хукмларнинг ишончли ва эҳтимолийга бўлиши баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Шу муносабат билан, қандай белги остида модалликни ифодалайдиган сўз ҳукмнинг аниқ бўлинишига асос бўлади, деган савол туғилади. Албатта, агар ҳукм модаллик хусусиятига эга бўлса, унда у икки хил кўринишда намоён бўлиб, сўзловчи учун қайси ҳукмга бўлиш ихтиёрий ҳисобланади.

Демак, билишнинг асосий вазифаларидан бири предметнинг бошқа предметлардан фарқини, улар орасидаги тугал чегара ёки дифференциал белгиларнинг асл моҳиятини очишдир. Предметларнинг асосий белгилари эса гапларда ўз маъносига эга бўлади.

Масалан, ҳар қандай гапда икки хил маъно бор, яъни ҳукм мазмунига кўра гап тўғри ё нотўғри бўлади. Ҳукм маъносига қараб икки тоифага, ишончли (реал) ёки эҳтимолий ҳукмга бўлинади. Масалан: 1) *Карим эртага албатта келади*; 2) *Карим, эҳтимол, эртага келар*. Биринчи гапда ҳукмнинг мазмуни субъектнинг (*Каримнинг*) келиши шарт, иккинчи гапдаги ҳукмда эҳтимоллик бор. Бу гапда иккинчи ҳукм ҳам бўлиши мумкин, яъни *Карим, эҳтимол келмас*. Битта ҳукмнинг икки томони бор, яъни биринчиси тўғри бўлса, икинчиси нотўғри бўлиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, биринчи гап ишончли ҳукмни англатса, икинчиси эҳтимолликни ифодалаяпти. Ҳукмлар таркибида «керак», «мумкин» сўзлари йўқ бўлмаса ҳам, гапларнинг мазмунидан қандай маънони англатаётганини билиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, биринчи гап «ишонч» ҳукмини икинчи гап «эҳтимол» сўзи оқали модаллик ҳукмини ифодалаб келмоқда. Ҳукмларнинг бундай бўлиниши билиш жараёнининг натижасини очиб беради.

А.В. Исаев ҳукмларнинг модаллик хусусиятларини таҳлил қилар экан, у ҳукмларни аввал икки турга ажратиб, уларнинг бирини ишончли ва икинчисини эҳтимол ҳукм деб атайди. Муаллиф модаллик мантиғининг табиатидан келиб чиқиб, шу иккала ҳукмни умумлаштиришга уриниб кўради

ва ишонч ҳукмини учга 1) *эҳтимолий ҳукм*, 2) *воқеий-тасдиқ ҳукм*, 3) *зарурий ҳукмга* бўлиб кўрсатади.

А.В. Исаевнинг фикрича, «ишонч ҳукмининг учга бўлиниши объектив реалликни билиш жараёнининг моҳиятини очиб беради. Бу жараён турли босқичда амалга ошади. Муаллиф ҳукмнинг модалликка бўлинишини кўйидаги мисоллар ёрдамида изоҳлайди: 1) *Пётр – человек. Пётр может быть ученём*, 2) *Пётр – студент. Пётр может быть ученём*, 3) *Пётр – студент-отличник. Пётр может быть ученём*» (Исаев 1961, 93).

А.В. Исаев мазкур мисолларда асосий эътиборни субъект билан предикатлар орасидаги боғлиқликка қаратади. Келтирилган мисоллар мазмунида эҳтимоллик ҳукми бор. Мисолларнинг охириги «*Пётр может быть ученём*» гапида эса биринчи ва иккинчи гапларга нисбатан асосий ҳукм бор. Масала шундаки, учинчи гапда субъект ҳукмида предмет белгиси мавжуд. Шу мулоҳазадан келиб чиқиб, охириги гапдаги ҳукми асосий ҳукм дейиш мумкин.

Мантиқшунос олим ҳукмларни тил элементлари ва хусусиятлари асосида бўлар экан, у диққатни кўпроқ билиш жараёнининг аниқ бошланиш ва тугалланиш ҳолатига қаратади. Натижада, объектив борлиқни билиш жараёнида эҳтимолий ва ишончли ҳукмлар шаклланган ва улар анъанавий мантиқ тушунчаси асосида тўғри ёки нотўғрига бўлинган. Ҳукмларга бундай ёндашиш, уларга анъанавий қарашнинг ўзгарганини кўрсатади. А.В. Исаев мисолларида ҳар бир ҳукмнинг алоҳида бўлиниши, предметни илмий билиш босқичини юқори даражада англаш ҳисобига юз бериши кўрсатилган.

Ҳукмларни ўрганишда баъзи олимлар уларнинг сон ва сифатига ҳам эътибор берадилар. Масалан, М. Хайруллаев ва М. Ҳақбердиевлар ҳукмларни сон ва сифат жиҳатдан тўрт гуруҳга ажратадилар: а) якка ёки жузъий тасдиқ ҳукм; б) якка ёки жузъий инкор ҳукм; в) умумий тасдиқ ҳукм; г) умумий инкор ҳукм; (Хайруллаев 1993, 153). Улар ҳукмларнинг таснифи билан кифояланиб қолмасдан, уларнинг модаллик бўйича бўлинишига ҳам эътибор

беришган. Жумладан, ҳукмларнинг модаллик бўйича бўлинишига ҳукм предикатидаги белгининг буюмда тасдиқ ва инкор шаклдаги боғланиш даражаси асос бўлиши кўрсатилган. Шунга кўра, муаллифлар мантиқда ҳукмларнинг модаллик хусусиятидан келиб чиқиб, уларни икки асосий гуруҳга ажратадилар: «Биринчидан, ҳукмлар модаллигига қараб *эҳтимолий*, *воқеий* ва *зарурга*, иккинчидан, ҳукмнинг мантиқий модаллигига қараб *проблематик* ва *ишончли* ҳукмга ажралади» (Хайруллаев 1993, 161).


Ҳукм ҳақидаги назарий фикрларни таҳлил қилиб, ҳозирги замон мантиқ илмидаги «ҳукм» атамасининг ўрнига «мулоҳаза-гап» атамасини қўллаш мақсадга мувофиқ деган фикрга келдик. Мантиқда «ҳукм» атамаси орқали дарак гап маъноси назарда тутилиб ва бу гап ҳар хил шаклларнинг белгилари учун умумий ҳисобланган. Бошқача айтганда, бир тилда битта ҳукм дарак гапларнинг турли шаклларида ифодаланиши мумкинлиги ҳисобга олинган. Масалан: «*Ҳар қандай одам фикрлаш қобилиятига эга*» ёки «*Ҳамма одамлар фикрлаш қобилиятига эга*» деб айтишимиз мумкин. Иккала ҳолатда ҳам битта фикр (ҳукм) ифодаланаяпти. Демак, келтирилган мисолдаги гаплар мазмун ва шакл жиҳатдан тенг бўлиб, улар битта ҳукмни ифодалаш учун хизмат қиляпти. +уйда ҳукм таркиби ва унинг модаллик бўйича бўлинишини мисоллар, таснифлар ва формулалар ёрдамида талқин этишга уриниб кўрамыз.

Одатда, ҳар бир ҳукмнинг уч асосий қисми, унсури бўлади. Ҳукмнинг биринчи унсури мантиқда субъект, иккинчи элементи предикат дейилади. Ҳукмнинг учинчи унсури боғлама деб аталади. Шунинг учун мантиқда ҳукмнинг биринчи тушунчаси ҳукмнинг мантиқий эгаси, иккинчиси унинг мантиқий кесими ва улар орасидаги муносабатни вужудга келтирувчи унсури эса боғловчи деб юритилади.

Мантиқ илмида субъект (эга) ва предикат (кесим) ҳукм атамалари ҳисобланади. Ҳукмнинг умумий схемаси қуйидагича ифодаланади. S--P, бунда S---субъект (эга), P -- предикат (кесим) символи бўлиб, «-----» белгиси

эса субъектнинг предикат билан бўлган муносабатини ифодаловчи боғловчидир. Азалдан ҳукм ҳосил қилишнинг энг содда чизмаси SRP бўлган. Бунда S субъектни, P предикатни, R эса боғловчи унсурни тақоза этади. +иёсланг: *L'Ouzbekistan est indūpendante* (SRP) → *Ўзбекистон мустақилдир* (SPR). Ҳукмлар модаллик бўйича содда ва мураккаб ҳукмларга бўлинади. +уйидаги семантик жадвалда ҳукмларнинг модаллик бўйича содда турларга бўлиниши ва уларнинг таснифи мантикий формулаларда тасвирланган:

2-жадвал



Дастлаб содда ҳукмнинг модаллик бўйича бўлинишини мисоллар

ёрдамида таҳлил қилиб кўрайлик¹.

1. Хукмнинг объектив модаллиги одам онгидан ташқарида бўлган предметларнинг объектив, эҳтимолий, воқеий ёки зарурий боғланишларининг акс этиши: 1) *Эҳтимолий ҳукм* нарса, ходиса ва уларнинг белгилари ўртасидаги боғланишнинг тасдиқ ёки инкор шакли эҳтимолий бўлишини ёки бўлмаслигини кўрсатади. Ўзбек тилида эҳтимолий ҳукм модаллиги – «*эҳтимол*», «*чамаси*», «*шекилли*, *мумкин*» каби сўзлар билан берилса, мантиқда эҳтимолий ҳукм «*S эҳтимол P дир*» ёки «*S эҳтимол P эмас*» формуласи билан ифодаланади. +уйидаги мисолларга эътибор берайлик: *Эҳтимол, эртага биз қишлоққа борармиз; Карим, чамаси, тест саволларига яхши жавоб бермаган* каби ҳукмлар эҳтимолий ҳукм бўла олади. Одатда, эҳтимолий ҳукмлар ҳақиқатга зид бўлмаса, албатта чин воқеий ҳукмга айланади. Масалан: *Карим касал, келмаслиги мумкин* деган эҳтимолий ҳукм маълум вақтдан сўнг *Карим келди* деган чин ҳукмга айланади. Демак, мисолларга асосланиб айтишимиз мумкинки, эҳтимолий ҳукм билан воқеий ҳукм орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди.

2) *Воқеий ҳукм* предмет билан белгилар орасидаги, яъни *S-P* орасидаги боғланиш аниқ эканлиги, бўлган воқеанинг ҳақиқат экани ёки ҳақиқат эмаслиги ҳақида хабар беради. Одатда, воқеий ҳукм ифода этилган воқеанинг мавжуд ҳолатини қайд қилишга қаратилган бўлади. Бундай вақтда боғланишнинг тасодиф ёки зарур эканлиги алоҳида кўрсатилади. Масалан: *Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда мустақил деб эълон қилинди, Жаҳонда биринчи марта ўзбек кураши бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.*

Мантиққа доир баъзи асарларда воқеий ҳукм тасдиқ ҳукм деб ҳам аталади. Ўзбек адабий тилида воқеий ҳукм, агар улар тасдиқловчи бўлса, «*сўзсиз*», «*ҳақиқатан*», «*албатта*», «*шубҳасиз*», «*дарҳақиқат*» каби сўзлар ёрдами билан ҳам ифодаланади. Масалан: *Республикамиз меҳнат аҳли, албатта, пахта тайёрлаш йиллик режасини ошириб бажаради; Ўзбекистон*

¹ Шукмларнинг модаллик бййича былишда биз М. Хайруллаев ва М. Ща=бердиев назарияларига асосландик. +аранг: Манти=. - Т., 1993, 161-165 бетлар.

футбол терма командаси, шубҳасиз, биринчи ўринни эгаллайди.

3) Зарурий ҳукм турли шароитларда ҳам буюмлар, ҳам уларнинг белгилари ўртасидаги боғланишнинг зарур ёки зарур эмаслигини акс эттирадиган ҳукмлардир. Зарурий ҳукмлар табиат ва жамият қонунларини ифодалайди. Масалан: *Меҳнатсиз турмуш ўғирликдир, санъатсиз турмуш ваҳшийликдир; Маънавият жаҳолатни енгади; Танқид келажак мевасидир.*

Зарурий ҳукм орқали кўпинча таълим-тарбия ва ахлоқ-қонун қоидалари ҳам ифода этилади. Масалан: *Ўз Ватанини севиши шарафли бурчдир; Давлат тилини ҳурмат қилиши ҳамманинг вазифасидир.* Мисолларда «зарур», «шарт» деган сўзлар қўлланмаган бўлса ҳам, уларнинг гап таркибида мавжудлиги мазмунан англашиб туради.

Фикрнинг исботланиш даражасига қараб, ҳукмнинг мантиқий модаллиги икки асосий қисмга: эҳтимоллик ва ишончлилиққа бўлинади.

Мантиқий модалликдаги **эҳтимолий ҳукм** ўз хусусияти билан объектив модалликдаги эҳтимол ҳукмдан фарқланади. Объектив модалликдаги проблематик ҳукм тажрибада текширилган бўлиб, воқелиққа ўтиши, яъни объектив воқелиқни акс эттириши муқаррардир.

Мантиқий модалликдаги эҳтимол ҳукмнинг хулосаси ҳали амалда текширилмаган бўлади, шунинг учун ҳам нарса, ҳодиса ва уларнинг белгиси орасидаги боғланиш тасдиқ ёки инкор эҳтимол шаклида ифодаланади. Масалан: *Эҳтимол, Миржалол +осимов касаллиги туфайли мусобақада иштирок этмагандир.* Бундай ҳукмда юз берган ҳодисанинг натижаси ҳали аниқ эмас. Миржалол, эҳтимол, касаллиги натижасида ёки яна бундан бошқа сабаб билан футбол мусобақасида қатнашмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун мантиқий модаллик шаклидаги эҳтимол ҳукм тасдиқ шаклида «*эҳтимол S-----P*» дур, инкор шаклида эса «*эҳтимол S-----P эмас*» формулаларидан фойдаланади.

Ишончли ҳукм тафаккур буюмлари учун маълум бир белгининг хос ёки хос эмаслигини аниқлайди. Бундай ҳукмлар «*S-----P дур*» ёки «*S ----P эмас*»

формулалари билан ифодаланади. Масалан: «*Бадантарбия соғлиқ гаровидир*», «*Саломатлик-туман бойлик*», «*Адабиёт табиий фан эмас*». Биринчи ва иккинчи ҳукм «*S-----P дир*» формуласи билан, учинчи ва тўртинчи ҳукм «*S ----P эмас*» формуласи билан ифодаланади.

Мисоллар таҳлилидан келиб чиқиб, ҳукмларнинг модаллик бўйича бўлишининг ўзига хос муаммолари ва уларнинг семантик таснифлари ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ҳукм тафаккурнинг асосий шакли бўлиб, у нарса ва ходисалар, уларнинг турли белгилари, хусусияти ва муносабатлари ҳақидаги тасдиқ ёки инкор шаклидир;

- содда ҳукм модаллик бўйича иккига бўлинади: объектив модаллик ва мантиқий модаллик. Объектив модалликка воқеий, зарурий ва эҳтимолий ҳукмлар кирса, унда мантиқий модалликка проблематик ва ишончли ҳукм киради;

- проблематик ҳукм ўз хусусиятлари билан объектив модалликдаги эҳтимолий ҳукмдан фарқланади. Объектив модалликдаги проблематик ҳукм воқеликка ўтиши, яъни объектив воқеликни акс эттириши муқаррардир. Ҳаракат жараёнида проблематик ҳукм эҳтимолий ҳукмга ўтиши ҳам мумкин;

- ишончли ҳукм тафаккур буюмлари учун маълум хусусиятини – белгининг хос ёки хос эмаслигини аниқлайди;

- мураккаб ҳукм модаллик бўйича уч гуруҳга: бирлаштирувчи ҳукм, шартли ҳукм ва айирувчи ҳукмга бўлинади.

Биринчи боб бўйича хулоса

Олимларнинг семантик категорияга оид фикрларига асосланган ҳолда модаллик мантиқига қуйидагича таъриф берамиз:

Модаллик мантиқи деб мантиқий жараёнда фикрни тез, аниқ ва равшан баён қилишда гаплар оралиғида қатор рамзий белгилар, ҳарфлар, формулалар, рақамлар, мантиқий боғловчилар, модал (интенционал) операторларнинг кетма-кет жойлашишида пропозиционал боғловчилар

ёрдамида предметлар ва гаплар орасидаги турли: *чин, реал, тасдиқ, тасодиф, хато, инкор, мумкин, зарур, эҳтимол, мумкин эмас, шарт* каби модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қиладиган шартли тил белгиларига айтилади.

Тил белгилари модаллик мантиқи тизимини ташкил қилиб, улар, **биринчидан**, пропозиционал ва предикатлар ҳисобини аниқлашда етакчи ҳисобланса, **иккинчидан**, мавжуд ахборотлар турли хил мазмундаги хабарларни аниқ ҳамда тежамли баён қилиш ва узатиш учун хизмат қилади.

Мантиқ илмида модаллик категориясининг турлари ва уларнинг қандай йўллар билан ифодаланишини қуйидаги семантик жадвалда кўриш мумкин.

**Ҳозирги замон мантиқ илмида модаллик категориясининг
турларига муносабат**

3-жадвал

Мантиқшунос олимлар	Чин, реал, тасдиқ, тасодиф	Хато, инкор	Мумкин эҳтимол	Мумкин эмас, таъқиқ	Зарур	Шарт
	1	2	3	4	5	6
1. Аккерман	–	–	–	–	+	–
2. Анъанавий формал мантиқ	+	–	+	–	+	–
3. Ж.Буридан	–	–	+	+	+	–
4. Д.Горский	+	+	–	–	–	–
5. А.Исаев	+	–	+	–	+	–
6. Кант	+	–	+	–	+	–
7. Карнап	+	–	+	+	+	–
8. Н.Кондаков	+	+	–	–	+	–
9. Ян Лукасевич	+	–	+	+	–	–
10. Льюис	–	–	+	–	+	–

11. В.Парри	-	-	+	-	-	-
12. Я.Слинин	-	-	+	-	+	-
13. Е.Сидоренко	-	-	-	-	-	+
14. П.Таванец	+	-	+	-	+	-
15. М.Ҳайруллаев, М. Ҳақбердиев	+	+	+	+	+	+
16.М.Шарипов, Д. Файзихўжаева	+	-	+	+	+	-
17. Р.Фейс	+	+	+	-	+	-
18.Философ.ЛУГ •	+	-	-	-	+	-
19. В.Шервуд	+	+	-	+	-	-

2 БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Тилшуносликда модаллик категорияси ҳақидаги асосий тушунчалар ва уларнинг семантик таснифи

Ҳозирги замон тилшунослигида модаллик тушунчаси ниҳоятда кенг қўлланиб, семантик категория сифатида айрим ифода шакли ва турли маъноларнинг уйғунлашиб ифодаланиш хусусиятига кўра жуда хилма-хилдир. Ҳозиргача модаллик категориясининг мазмуни ва кўлами ҳақида ягона тўхтамга келинган эмас. Бу лингвистик модаллик билан мантиқий модаллик тўлалигича бир-бирига мос келмаслиги билан изоҳланади ва ҳар икки фан учун катта муаммо ҳисобланади.

Тилшуносликда модаллик гапнинг энг муҳим белгиси сифатида ўрганилса, мантиқ илмида тафаккур шакли сифатида, ҳукмнинг муҳим белгиси сифатида қаралади. Модалликнинг бу хусусияти мантиқий модалликни лингвистик модаллик билан боғлаб ўрганиш зарурлигини кўрсатади (Панфилов 1971, 39).

Модаллик замирида гап субъекти билан боғлиқ турли маънолари тушунилар экан, аввало, модалликни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) объектив модаллик, 2) субъектив модаллик.

Объектив модаллик билишга йўналтирилган муайян воқеадаги объектив алоқаларни мумкинлик, ҳақиқийлик, зарурийлик акс эттирса, субъектив модаллик бу алоқаларни билиш даражасига сўзловчининг муносабати (баҳоси)ни ифодалайди.

Объектив модаллик феълнинг замон майлларини қамраб олиб, гапда ифодаланган мазмуннинг борлиққа муносабати ва гап мазмунининг реал ёки нореаллигини ифодалайди. Субъектив модаллик эса сўзловчининг ўз харакатига муносабатини билдириб, кичик гуруҳларга ажралади:

1) Имкониятга боғлиқ мумкинлик. Бу модал ва кўмакчи феъллар (мумкинлик, қилмоқ, бўлмоқ) орқали ифодаланади. Масалан: *Бу ниятни амалга оширса бўлади. У институтда ўқий олади* ва ҳ.к.

2) Хоҳиш-истак. Бу маъно махсус модал феъллар (*хоҳламоқ, истамоқ* ва ҳ.к.) орқали ифодаланади. Масалан: *Мен ўқишни истайман*,

3) Зарурлик, мажбурлик. Модалликнинг бу маъноси *керак, лозим, даркор, зарур* сингари модал сўзлар орқали ифодаланади. Масалан: *Мен ўқишим керак; Игнадан ип ўтмаса, кўз нечун даркор экан? Ноласи тош тешиб, сўз нечун даркор экан?* (Ашуладан).

Модаллик категорияси лисоний бирликларда намоён бўлиб, объектив модаллик диктумга, субъектив модаллик эса гапда ифодаланган объектив мазмунга сўзловчининг муносабатини ифодалайди ва модусга киради. Бу ҳолда синтактик модаллик гапни шакллантиришдаги ўрни ва субъектнинг гап мазмунидаги муносабат даражасига қараб, у ҳам икки гуруҳга – объектив ва субъектив модалликка бўлинади. Объектив модаллик гапни шакллантирувчи зарурий белгилардан бири, асоси ҳисобланса, субъектив модаллик объектив модаллик замиридаги қўшимча модалликдир.

Демак, сўзловчининг коммуникатив нияти, унинг гап мазмунига эмоционал муносабатни билдирувчи субъектив модаллик гарчи гапнинг фаоллаштирувчи қисми бўлса ҳам, уларнинг табиати ва гап тузилишидаги асосий роли шунчалик хилма-хилки, уларни фақат грамматик режада «турли сатҳлилиқ», семантик режада сўзловчининг «муносабатини ифодалаш» белгиси остида бирлаштириш мумкин, холос.

Тилшуносликда модаллик тушунчаси сўзловчининг айтилаётган гап мазмунига, воқеликка муносабатини англатувчи маъно категорияси сифатида қаралади, яъни объектив воқелик сўзловчи онгида акс этади ва у ўз муносабатини турли семантик категориялар ёрдамида билдиради.

Олдинги бобларда айтиб ўтганимиздек, модаллик тушунчаси тилшунослик фанига мантиқ илмидан кирган бўлиб, бу категория мантиқ илмида ҳар хил шартли белгилар ва семантик операторлар (эхтимол, зарур,

шарт, мумкин) билан ифодаланади. Тилшуносликда эса ушбу семантик категория турли маъноларни (реал-нореал, мумкинлик, зарур, истак, тасдиқ-инкор ва ҳ.к.) англатиб, турли морфологик, лексик ва синтактик воситалар билан ифодаланиши мумкин. Демак, модаллик категориясига гап модаллигини таъминлашга хизмат қиладиган турли воситалар киритилади.

В.З. Панфилов таъкидлаганидек, «жуда кўп муаллифлар томонидан модаллик категорияси таркибига ўз моҳияти жиҳатидан функционал вазифаси, тил тузилишига мансублиги жиҳатидан турлича маънолар киритиладики, натижада бу категория маълум аниқликни йўқотади» (Панфилов 1971, 37). Бу ҳатто модалликнинг алоҳида тил категорияси сифатида мавжудлигини ҳам шубҳа остига қўяди. Жумладан, И.П. Распопов соф грамматик маънодаги категория сифатида ҳеч қандай модаллик категорияси мавжуд эмас дейди. Унинг фикрича, модаллик категорияси ҳақида эмас, балки гапнинг модал сифати ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ бўлади. (Распопов 1973). Т.П. Ломтев ҳам бу категория тўғрисида худди шунга ўхшаш фикр билдиради. Унинг фикрича, модал грамматик категория «бир грамматик модал категорияни эмас», балки муайян системани ташкил этади (Ломтев 1972, 91).

Модаллик ҳақидаги бундай фикрлар тасодифий эмас, албатта. Модалликнинг анъанавий талқинига кўра, уни таърифлаш жуда қийин. Модаллик маъноси тил системасининг турли сатҳларида кузатилади, шунинг учун уни ифодаловчи воситалар ҳам ҳар хил. А.Нурмонов таъкидлаганидек, «тилшуносликда бу воситаларни аниқлашнинг ягона услуби бўлмаганлиги туфайли, модалликни ифодаловчи воситалар турли тиллар материаллари асосида турлича ажратилмоқда» (Маҳмудов 1995, 57). Жумладан, ушбу ҳолатни француз ва ўзбек тиллари материаллари асосида чоғиштириб кўрсак, француз тилида модаллик воситаларига майл, модал феъллар, модал сўзлар, юкламалар, кириш сўзлар, инфинитив қурилмалар, интонация ва сўз тартиблари кирса, ўзбек тилида эса ушбу семантик категория майл, замон ва шахс-сон қўшимчалари, юкламалар, модал сўзлар, феъллар, тўлиқсиз феъллар, махсус қўшимчалар, кириш сўз ва гаплар ёрдамида ифодаланади.

Бир категория атрофида бундай хилма-хил воситаларнинг бирлаштирилиши тилшунослар ўртасида, табиий равишда, айрим эътирозларнинг туғилишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам бу воситаларни бирлаштирадиган бир умумий белгини топишга ҳаракат қилинди. Бу воситаларнинг ҳаммаси ўз функциясини гап сатҳида кўрсатади. Ана шу синтактик белги юқоридаги воситаларни бирлаштириш учун маълум даражада асос бўлади. Шунга кўра, модаллик воситаларини ҳам: 1) конструктив-синтактик; 2) морфологик-синтактик; 3) интонацион-синтактик гуруҳга ажратиш мумкин» (Сибгаатов 1985, 17). «Барча модал маънодаги воситаларга синтактик мақом берилиши бу воситалар тузилишининг умумийлигини кўрсатиш учун асос бўладигандек туюлади. Аммо маълум бир ўринда синтактик белгиси модал воситаларнинг фарқланишида аҳамиятини йўқотади» (Сибгаатов 1985, 178). Шунинг учун ҳам Р.Г. Сибгаатов модаллик категориясини белгилашда турли сатҳлилик категориясига асосланиш лозимлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, тилшуносликда турли сатҳлилик категорияси мавжуд бўлиб, бу категория турли сатҳга оид бирликларни бир умумий тушунча атрофида бирлаштиради. Турли сатҳлилик категориясининг мазмуни бутун семантик соҳа бўлиб, бир-биридан фарқ қилувчи ва шу билан бирга бир тушунча атрофига бирлашган грамматик ва лексик маъноларни ҳам ўз ичига олади (Бондарко 1984, Сибгаатов 1985,179). Шу нуқтаи назардан, модаллик категорияси ифода режасига кўра ҳақиқатан ҳам турли сатҳлилик категориясига киради. Турли сатҳга оид тил бирликлари бир тушунча – модаллик тушунчасига бирлашади. Демак, модаллик категорияси тил категорияси сифатида мавжуддир.

Модалликнинг умумий таърифига тилшуносликда мазмун режаси нуқтаи назаридан ёндашилади, яъни муносабат белгиси эътиборга олинади. Аммо В.З. Панфилов таъкидлаганидек, тилшуносликда бу категориянинг моҳияти, унинг фикр модаллиги муносабати, гап модаллигининг типлари,

модалликнинг предикативликка муносабати билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалалар бўйича ягона фикр йўқ (Панфилов 1977, 183).

Тилшуносликда мавжуд бўлган модаллик категориясига оид илмий ишларни таҳлил қилиб, олимларнинг назарий қарашларини бир тизимга солиб, модаллик семантик категориясининг турли тил воситалари билан ифодаланишини биз қуйидаги тўққиз гуруҳга бўлдик:

I. Сўзловчи айтаётган фикрнинг гапдаги мақсади, муносабати ёки гапнинг коммуникатив функцияси. Бу семантик баҳолашнинг хусусияти шуки, ҳамма гаплар ўз функциясидан келиб чиқиб, коммуникатив гуруҳларга (дарак, сўроқ, буйруқ) бўлинади. Бу маъноларнинг мажмуи қуйидаги тил воситаларини ўз ичига олади: морфологик (фёъл майллари), синтактик (гап моделлари, просодик- интонация – интонация).

II. Сўзловчининг гап мазмунини реал ва нореал нуқтаи назардан баҳолаши. Бу модаллик маънолари майл шакллари, фёъл замонлари, шунингдек, баъзи боғловчи ва юкламалар ёрдамида ифодаланади.

III. Сўзловчининг гапда ифодаланган воқеликларни (мумкин-эхтимол, зарур-керак, хохиш-истак) субъект ёрдамида баҳолаши. Бу семантик маънолар модал фёъллар ва тил қурилмалари ёрдамида берилади.

IV. Тасдиқ ва инкор маъноларини ифодаловчи нарсалар орасидаги мавжудлик ёки мавжуд эмаслик ҳолатини англатувчи муносабатлар, белгилар ва гапдаги реал ҳаракатни англатувчи воқелик. Иккала семантик тушунча таққосланса, биринчисининг маркерлари (кўрсаткич белгилари) йўқ, иккинчисининг эса махсус маркерлари бўлиб, улар грамматик, лексик воситалар ёки юкламалар орқали ифодаланади.

V. Семантик маъноларнинг икки турини баҳолаш: а) сўзловчининг воқеликни (мумкин, зарур ёки истак) баҳолаши; б) сўзловчининг унга хабар қилинган воқеликка ишончлилик даражаси. Иккала баҳо тури ҳам тилда модал равишлар, кириш сўзлар, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар билан, шунингдек, модал фёъллар (мумкин, керак) ва инфинитив қурилмалар

ёрдамида ифодаланиши мумкин.

VI. Сўзловчининг гап мазмунидаги ҳис-туйғу ва сифат фазилатларининг ифодаланиши. Бу семантик тушунчалар ундов сўзлар, лексик воситалар (яхши, ёмон, ажойиб, уят, кўрқинч, даҳшат ва ҳ.к.) ва интонация ёрдамида берилади.

VII. Модаллик объектив ва субъектив категория бўлиб, гап мазмунининг воқеликка муносабатини билдиради. Объектив модалликнинг асосий ифодаланиш воситаси ҳисобланган феълнинг грамматик категорияси майл ёрдамида амалга ошади, субъектив модаллик эса лексик воситалар ёрдамида ифодаланиб, уларга модал сўзлар, модал феъллар ва юкламалар киради.

VIII. Коннотатив модаллик маъноларини ифодалаш: севиш, эркалаш, ҳурмат, кичрайтириш, камситиш. Ушбу модаллик тури ҳозирги ўзбек тилида ўзбек миллатига хос бўлган *-гина* (*-кина, -қина*), *-ча, -чоқ, -чак, -лоқ, -жон, -хон, -ой, -вой, -лар* (дадамлар) каби аффикс ва аффикссимонлар сўзловчининг объектив борлиққа, ўз нутқига бўлган модал муносабатини билдириб келувчи субъектив баҳо шакллари дир.

IX. Аниқлик майлида реаллик модал маънони ифодалаш. Бизнинг назаримизда, бу хусусиятда модаллик алоҳида тил категорияси сифатида мавжуд, аммо айрим тилшунослар фикрича, аниқлик майли модаллик категориясини ифодалаш хусусиятига эга эмас.

Бу фикр-мулоҳазалар асосида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, модаллик категориясини объектив ва субъектив семантик тур ва гуруҳларга бўлиб ўрганиш тилшунослиқда катта аҳамият касб этади. Объектив модаллик гапнинг зарурий белгиси туфайли ҳар қандай гапда бўлади, субъектив модаллик эса гапларда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунга кўра, объектив модаллик гапнинг доимий белгиси, субъектив модаллик эса кўшимча белгиси ҳисобланади. Объектив модаллик тилда ҳамиша морфологик усулда майл ва феъл замонлари билан ифодаланса, субъектив модаллик лексик (модал феъл ва сўзлар, кўмакчи, гапнинг махсус

курулмалари ва ҳ.к.) ҳамда синтактик воситалар ёрдамида ҳосил бўлади. Буни модаллик категориясининг фактик тил материали заминида турли тилларда қўлланиши ва ифодаланишида кузатишимиз мумкин.

2. 2. Ҳозирги замон француз тилида модаллик категориясининг ифодаланиши

Француз тилшунослигида модаллик тушунчасини кенг маънода талқин этиш ва уни ҳар томонлама изоҳлаб беришда Ф. Брюнонинг хизмати катта. У ўзининг «*La pensée et la langue*» («Тафаккур ва тил») асарида лисоний бирликларни таҳлил қилиб, кўпроқ уларга психологик (руҳий кузатиш) нуқтаи назаридан ёндашади. Ф. Брюно модалликни белгиларнинг ҳаракати деб қараб, уни учта катта гуруҳга ажратган: ҳукм модаллиги, сезги (ҳис-туйғу) ва истак модалликлари (Brunot 1936, 511). Санаб ўтилган маъно типларини муаллиф иккита категорияга ажратади: чин (тўғри) ва мумкин (эҳтимол). Ф. Брюно модаллик категориясига турли ҳис-туйғуларни ифодаловчи тушунчаларни (кутиш, умид, ташвиш, қўрқиш, ажабланиш, розилик, рад этиш, ачиниш, афсусланиш, ғазабланиш ва ҳ.к.) киритган.

Ф. Брюно тилшуносликда мавжуд бўлган “маънодан шаклга” тамойилига асосланган ҳолда истак, тахмин, ишонч, илтимос, инкор каби модал тушунчаларнинг қандай йўллар билан ифодаланишини таҳлил қилиб, модалликни икки турга ажратган: реал ва эвентуал. Бу тушунчалар қандай маънони англатиши мумкинлигини тушуниш учун қуйидаги мисолларни таққослаб кўрамиз: 1) *Un enfant embrasse sa mère.* 2) *Une femme, s’écrie: Oh, comme j’embrasserais volontiers mon petit !*

Биринчи гап реал ҳаракатни ифодалаб, уни таъкидлаб келса, иккинчи гапда эса эвентуал (тахмин) ҳаракат берилиб, келажакда амалга ошиши “мумкин” бўлган воқелик ифодаланмоқда. Ҳар бир тур ўзининг семантик хусусиятига эга бўлиб, айтилаётган гап мазмунига кўра, модаллик тасдиқ (реал), шубҳа, ишонмаслик, мумкин эмаслик ва нореал маъноларни ифодалашни мумкин. Аммо Ф. Брюно бу икки категорияни мазмун жиҳатдан ҳам, ифодаланиш воситаларига кўра ҳам бир-биридан фарқламайди. Унинг

фикрича, «модаллик категориясини ифодаловчи воситаларга интонация (илтимос, нафрат, тасдиқ, ажабланиш, хурсанд бўлганлик, зарурият, рад этиш, рухсат этиш ва ҳ.к.), замон, модал феъллар, модал тўлдирувчилар (равиш, равишли ибора, кўмакчилар, боғланган ёки эргаш гапли кўшма гаплар), сўз тартиби ва феъл майллари киради»(Brunot 1936, 514). Ҳақиқатдан ҳам, бу морфологик ва лексик воситалар модаллик категориясини намоён қилишда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, турли хил майлларнинг қўлланиши ўзининг семантик хусусиятига кўра ҳар хил модаллик маъноларини ифодалаб келиши билан бир-биридан фарқ қилади.

Ф. Брюнонинг илмий қарашини Ш. Балли янада такомиллаштиришга уриниб, модалликни учта турга ажратган: интеллектуал (ақлий) ҳукм, вазиятни баҳолаш ва истак модаллиги. Унинг фикрича, «модаллик гапнинг қалби - юраги» дир. Модал маънолар таркибига у «ҳукмнинг турли нозикликлари», «сезги ва истак» ларни киритиб, улар модал феъллар, майллар, интонация, савол ва буйруқ шакллари: «модал ҳаракат (ишора)», шахснинг имо-ишораси, ундов сўзлар, аташ(атов) келишиги ва кўп сонли усуллар билан ифодаланишини таъкидлайди. Эҳтимоллик ва ишонччилик модаллик мазмунини ўз ичига олган тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гапларда кўзга ташланади. Бунда модаллик майл воситасида эмас, балки феълнинг ўзига хос хусусияти орқали воқеланади (Балли 1955, 43-62). Ушбу фикр билан Ш. Балли анъанавий грамматикага қарши чиқади, чунки фикрнинг мантиқий тугалланиши истак майлини (бу ерда гап истак эргаш гапли кўшма гап ҳақида кетаяпти - Ж.Ё.) илмий ўрганишга бориб тақалади ва «истак майли мустақил маънони ифодаламайди», деган хулосага келинади (Балли 1955, 55).

Баъзи тилшунослар, масалан, Т. Калепки Ш. Балли фикрини қўллаб, шундай ёзади: «Агар *Je veux qu'il vienne* типдаги гапда конъюнктив ё «истак», ё «эркинлик-хоҳиш»ни ифодалайди десак, жуда ғалати туюлади. Ҳақиқатда эса, мисолдан кўринадики, истак *je veux* ёрдамида ифодаланапти, *qu'il vienne* гапи истакнинг натижаси сифатида қаралиши лозим. Худди

шунга ўхшаган гапни олайлик: *Je doute qu'il vienne* бу гапда ҳам (эргашган қисмида) ҳеч қандай шубҳа маъноси йўқ. *Subjonctif* шакллар мажмуи, яъни аниқ морфологик мантиқий моҳиятдир. Шундай экан, у тил омили, лекин нутқ омили эмас. Тил категориялари эса (грамматик категориялар) на истак, на шубҳа, на хурсандлик, на ҳафаликни ифодалай олади. Улар фақат қандайдир мантиқий муносабатларни ифодалаши мумкин. Зотан, гапда грамматик ва лексик маънолар (истак, шубҳа, хурсандлик, ҳафалик) мавжуд бўлади. Бу маънолар алоҳида сўзлар орқали берилиши мумкин, аммо истак майлининг грамматик категорияси замирида эмас» (Imbs 1960, 72).

Бу фикрнинг тасдиқини А. Мартиненинг «Нейтрализация и синкретизм» асарида кўриш мумкин: «*Il faut*» дан кейин фақат истак майли шакллари бўлиши мумкин. *Il faut que je fasse* бундай шакллар анъанавий ҳисобланиб, уларда фақат феъл шакли кўрилмасдан, балки истак майлининг маъноси ҳам эътиборга олинган. Бу эса воқеликка мос келмайди: *il faut* дан кейин *que je fasse* да модаллик маъноси йўқ эмас, ушбу семантик категория *il faut* шаклида яширинган. Маъно сўзсиз мавжуд бўлиб, у ерда сўзловчининг танлаш имконияти бор» (Martin 1971, 104).

Э.Ф. Бубновская ҳам Ш. Балли фикрини маъқуллайди: «Ўз-ўзидан ҳеч қандай восита конкрет модаллик маъносини ифодаламайди. Модаллик бош гапнинг феъли билан ифодаланган *Subjunctivo* да, агар бош гап қисмида истак маъносини англатган феъл қўлланган бўлса, гап истакни ифодалаши мумкин. *Subjunctivo* шакли ўз-ўзидан на истакни, на шубҳани, на хурсандликни, на қайғуни ифодалайди» (Martin 1971, 9).

Бу фикр-мулоҳазалардан маълум бўладики, тилшунослар бош гапнинг мазмунини эргаш гапдан ажратиб қўйганлар. Бунга қўшилиб бўлмайди, сабаби «*Je veux*» ва «*Je doute*» феъл қурилмалари шу ҳолатда тўлиқ маъно ифодаламайди, чунки ҳали гап мазмуни тугаган эмас. Шундай экан, берилган мисоллар ифодалаётган истак ёки шубҳа маънолари фақат бош гапга тегишли бўлмасдан, балки бутунлай гап мазмунига ҳам боғлиқ десак мантиқан тўғри бўлади. Агар бош гап мазмуни эргаш гапдан ажратиб таҳлил қилинса, унда

биринчидан, бош гап билан эргаш гап орасидаги ҳам мазмуний, ҳам шаклий боғланиш йўқолади, иккинчидан, гап ўзининг коммуникатив хусусиятини йўқотиб, фикр тугалланмай мантиқсиз гап бўлагига айланиб қолади. Демак, гапнинг модаллик хусусиятига бундай ёндашиш мумкин эмас.

Ҳозирги замон француз тилида модаллик категориясини ифодалашдаги асосий тил воситаларидан бири майл категориясидир. Майлларга бўлган муносабат ва сўзловчининг гап мазмунини реал ва нореал баҳолашида ҳам бир хиллик йўқ. Анъанавий француз тили грамматикасида тўртта: индикатив, буйруқ, истак ва шарт майллари бор. Француз тилида кондиционал (шарт майли)нинг ифодаланиш шакли ва унинг модаллик хусусиятлари муаммолигича қолмоқда. Маълумки, француз тилида - *rait* шаклида ҳам замон, ҳам модаллик тушунчаси бор. Мисол учун қуйидаги гапларни таққослаб кўрайлик: 1. *Il a dit qu'il viendrait*. 2. *S'il avait le temps, il viendrait*.

Таҳлиллар кўрсатадики, тилшуносларнинг майлларга бўлган муносабатида бир хиллик йўқ. Бу ерда индикатив майл билан бошқа майллар, айниқса, шарт майли замонлари ва уларнинг семантик маънолари орасида модаллик категориясига нисбатан икки ёқлама зиддият ҳосил бўлаяпти. Бундай зиддият *бир томондан* индикатив майл ёрдамида реал ҳаракатни ифодаловчи замон категорияси билан, *иккинчи томондан* эса ҳар хил майллар орқали турли маъноларни англатувчи модаллик категорияси билан боғлиқдир.

Индикативнинг модаллик маъноси, сўзловчи нуқтаи назаридан, ҳаракатнинг реал воқелик сифатида ифодаланишидан иборат. Аммо бундан индикатив ҳар доим ҳам объектив борлиқда реал фактни билдиради, деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки тил категориялари объектив борлиқни ифодаловчи шакл сифатида намоён бўлади, тилда сўзловчининг воқелиқни изоҳлаб бериш имконияти мавжуд. Индикатив туфайли сўзловчи фақатгина объектив борлиқдаги воқелиқни қабул қилмасдан ёки унга муносабат билдирмасдан, балки ҳар қандай ҳаракатнинг моҳиятидан келиб чиқиб,

унинг чин (реал) ёки хатолигини изоҳлаб бериш қобилиятига ҳам эга. Индикатив тасдиқ шакли орқали дунё воқеаларини, турли-туман янгиликларни, об-ҳаво маълумотларини билиб оламиз ва сўзловчи бераётган ахборот реал факт сифатида тингловчининг онгида ёки тасаввурида (турли хил замон шаклларида) гавдаланади.

Бошқа майл (мас., шарт) мазмунининг модаллиги эса, аксинча, индикативга зид қўйилиб, майлларда ифодаланган модал ҳаракат сўзловчи объектив борликда тасдиқламаган, нореал воқелик (ҳаракат) сифатида намоён бўлади. Аммо майлларнинг модал функцияларида (индикативга зид) тасдиқ ҳаракатнинг воқелик сифатида йўқлиги уларнинг ягона мазмунини ташкил қилмайди. Нореалликни англатувчи ҳаракат амалга ошмаслиги ёки умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин. Иш-ҳаракатнинг қандай семантик вазиятларда амалга ошиши ёки амалга ошмай қолиши феъл категориясига боғлиқдир (Якубов 1991, 2002). Бу масалада ҳам мулоҳазалар турлича. Масалан, Г. Гийомнинг фикрича, феъл сўз туркуми сифатида замон ҳақидаги тушунчани ифодалаш учун хизмат қилади. У майлни феълнинг шахссиз шакллари, сюбжонктив ва индикатив майлга ажратади. Бу майллар бир-биридан фақат замондаги ҳаракатнинг ҳар хил акс этиши билан фарқ қилади. Г.Гийом императив ва кондиционални (кондиционалнинг келаси замон индикативга ўхшашлиги асосида) индикативга киритади.

Г. Гийомнинг ўзидан аввалги тилшунослардан фарқи шуки, у майлни модал маънолар билан боғламайди. Ваҳоланки, унинг назарида «модал маъноларини ифодалайдиган аниқ феъл шакллари йўқ. Майллар орасидаги фарқ шундан иборатки, улар объектив воқелик (ҳаракат) билан замон орасидаги муносабатларни ифодалаб, ҳаракатнинг амалга ошиш даражасини кўрсатиб беради» (Guillaume 232, 9-75).

Г. Гийомнинг таъкидлашича, майллар бир-биридан модал маънолари орқали фарқ қилмайди. Нутқни ташкил қилувчи маънолар манбаси феълларнинг морфологик категорияси орқали ифодаланиш хусусиятига эга эмас. Аниқлик ва сюбжонктив майлларининг эргаш гапда қўлланиши

харакатни баҳолаш мантикига боғлиқдир, бу баҳолаш эга бош гапнинг кесимига ёки семантик боғловчига, яъни тафаккур воситасига боғлиқ бўлиб, у орқали эргаш гапдаги ҳаракат назарда тутилади. Агар бу «тафаккур воситаси» эҳтимолликни ёки реал иш ҳаракатни англатса, унда эргаш гапда индикатив қўлланади (Guillaume 232, 10).

Бундай фикрларга қўшилиш қийин, чунки тилда модаллик категориясини ифодалашда феъл майллари катта роль ўйнайди. Тилшуносликда Г. Гийомнинг модаллик категориясини ифодалашда аниқлик майли маълум феъл шаклларига эга эмас, деган фикрига зид фикрлар мавжуд. Масалан, П. Имбс индикативнинг замон шаклларида модаллик категориясининг қўлланишини алоҳида таъкидлаб ўтган, яъни у асосий эътиборни индикатив замонларига қаратиб, улар қандай йўллар билан модаллик маъносини ифодалашини кузатган ҳолда изоҳлашга уриниб кўрган.

П. Имбс ўз олдида модалликнинг типлари қандай феъл шакллари билан индикатив (ҳозирги, ўтган, имперфект-ўтган замон давом феъли ва плюсквамперфект-узоқ ўтган замон) замонларида қўлланишини асослаб бериш мақсадида модалликнинг ифодаланишини қуйидаги категорияларга бўлади:

1. «Истак» категорияси. Ушбу модаллик индикатив замонлари ичида жойлашган бўлиб, бу категория содда келаси замон орқали ифодаланади : *Un seul Dieu adorera*. Ушбу гапда модаллик ҳам ҳозирги, ҳам келаси замон маъноларини англатади ва уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Келаси замондаги бундай модаллик хусусияти на имперфектда, на сюбжонктивда бор.

2. «Эҳтимоллик» категорияси. Бу модаллик ҳам содда келаси замон орқали (*ce ne sera rien* қ« *ce n'est rien* »), ёки қўшма (мураккаб) келаси замон ёрдамида (*Vous l'aurez oublié* қ *vous l'avez oublié*) ифодаланиши мумкин. Индикатив замонида соф хусусиятга эга бўлган модалликнинг замон шакллари мутлоқдир, яъни нутқ жараёнида содир бўлган реал ҳаракатнинг аниқ семантик моҳиятидан иборат. Келаси замон ҳозирги замон системаси

маъносини англатса, мураккаб келаси замон эса ўтган замон системасидаги келаси замонни ифодалаб келмоқда (Imbs 1960, 195).

3. «Эвентуал» модаллик. Бу модаллик тахмин эргаш гапларда ифодаланса, бош гаплар эвентуал маънога эга бўлади. Ушбу модаллик олтига замон шаклига эга. Шулардан иккитаси кондиционал, қолганлари эса ҳозирги, ўтган, имперфект ва плюсквамперфект замонларидир (Imbs 1960, 196).

Келтирилган фикрлардан англашиладики, бу ерда бир оз чалкашлик бор. П. Имбс кондиционални ҳам индикативга қўшиб юборган. Кондиционал ҳам мустақил, ҳам қўшма гапнинг бош гапида ишлатилиб, эргаш гаплар эса «*si*» боғловчиси ёрдамида боғланади. Ушбу модаллик уч гуруҳга бўлинади :

- «*si*» боғловчиси билан қўлланадиган «ҳозирги ва ўтган замон». Бош гапда келаси замон қўлланади: *si tu viens , je serai heureux* .

- эвентуал атамасининг «мумкинлик» ва «мумкин эмаслик» маъноларини ифодалаши. Бу сюбжонктив модаллигини эслатади. Агар эргаш гап эҳтимолликни билдириб индикативни талаб қилса (*il est probablement qu'il viendra*), унда мумкинлик маъноси бош гапда келиб, эргаш гапнинг феъли сюбжонктивда қўлланади .

- *rais* билан *-ais* шакллари муаллиф буларнинг морфологик омонимик шаклларини таҳлил қилади. Бунда - *rais* индикатив замонининг системасига тегишли бўлиб, - *ais* эса модал хусусиятига эга бўлади, шу боис ушбу шаклни алоҳида майл деб қараш мумкин деган фикрни билдиради (Imbs 1960, 199). Демак, *-rais* шакли сюбжонктив билан индикатив оралиғида бўлади. Агар *-ais* шакли индикатив замон системасига киритилса, унда *-rais* шакли модалликни билдириб, кондиционал таркибида бўлади.

Шундай қилиб, индикатив ҳаракатнинг объектив реаллик билан айнанлигини ифодаласа, унда бошқа майллар ўзларининг модал функцияларида сўзловчининг онгида воқелик ва борлиқни акс эттиради.

Мулоҳаза қилиб кўрсак, майлнинг айнан шу хусусияти индикативга зид қўйилган ҳолда юқоридаги модал функцияларни бирлаштириш

имкониятини беради. Индикатив майли одам онгида реал борлиқни қайд қилиш ҳолатини ифодаласа, воситали майлларнинг (императив, истак,) ундан фарқи шуки, у одамнинг билиш қобилиятини субъектив омил ёрдамида тушунишни (тахмин, истак, ният) англатиб келади.

Таъкидлаш лозимки, баъзи тилшунослар модаллик категориясини тушунтиришда асосий эътиборни индикатив майлига қаратиб, уни бошқа майллар билан, жумладан, императив ва конъюнктив майллари билан қиёслаб, модаллик категориясининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиладилар. Масалан, М.К. Сабанеева майлларнинг модаллик хусусияти ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилади: «Индикатив майлининг модаллик хусусият шундаки, унда ҳаракатнинг реал тасдиқи ёки турли хил объектив ва субъектив ижтимоий воқеликлар сўзловчи томонидан реал амалга ошганлиги, ошаётганлиги ёки келажакда амалга ошиши каби семантик белгилар назарда тутилади, қолган майлларда эса бундай хусусиятлар йўқлиги кузатилади» (Сабанеева 1981, 7).

Айтилган фикрни қуйидаги мисоллар билан шарҳлашга уриниб кўрамиз: 1. Mon ami participe activement a la conference (Дўстим конференцияда фаол қатнашяпти). 2. Mon ami aurait activement participй a la conference (Дўстим конференцияда фаол қатнашганда эди).

Биринчи мисолда гапнинг феъли ҳозирги замон индикатив майлида қўлланиб, реал ҳаракатни англатиб келган бўлса, *иккинчисида* эса гапнинг предикати ўтган замон шарт майлида қўлланиб, истак ва нореал маъноларни англатмоқда. Мисоллар таҳлилидан кўринадики, сўзловчининг объектив воқеликка бўлган муносабати турлича бўлиб, унинг нутқида индикатив ва кондиционел майллари қўлланиб, улар модаллик категориясини ифодалашда бир-биридан турли хил семантик (реал ва нореал) белгилари билан фарқ қилмоқда.

В.Г. Гак модаллик турига сўзловчи ва хабар берувчи муносабатидаги умумлашган уч босқични киритади: 1) хабар бериш хусусиятига кўра –

декларатив(*je dis que Pierre viendra*) ва перформатив(*J'ordonne que Pierre vienne*) модаллик; 2) воқеликни билиш хусусиятига кўра–ишончилилик(*je sais*) ва эҳтимоллик (*Je suppose*)(тўлиқсиз ишончилилик); 3) муносабат хусусиятига кўра – истак(*je veux qu'il vienne*) (ноистак ва розилик) ва норозилик субъект хиссиётининг ифодаланиши (уйғониши) билан боғлиқ (Гак 1986, 147).

Муаллиф модаллик категориясини кенг маънода тушуниб, унга ҳамма ифода шакллари киритади. Чунки уларда объектив воқеликнинг реаллиги (тасдиқ) ёки эҳтимоллигини акс эттириш (ифодалаш) ҳамда сўзловчининг субъектив муносабати ўз ифодасини топади. Бундай ҳолда модалликка қуйидагилар киради: 1) гапни мақсадга кўра йўналтириш: дарак, сўроқ, буйруқ маънолари шу жиҳатданки, биринчи гап воқелик- реалликни ифодаласа, иккинчи ва учинчи гаплар эса гапнинг мумкин-эҳтимоллигини англатиб келади; 2) тўғри-чинлик, яъни тасдиқ (инкор) биринчи реалликни; иккинчиси, норéal воқеликни ифодалайди; 3) сўзловчи ёки субъект ҳаракатининг айтилаётган гап мазмунига муносабати, унинг объектив воқеликка бўлган муносабати ва баҳоси (воқеий-тасдиқ, зарурий, эҳтимолий, истак); 4) гапда (ҳукмда) экспрессив маъноларнинг уйғунлашиб кетиши (турли хил ҳис туйғуларнинг ифодаланиши): умид (ишонч), кутиш, ҳайрон қолиш, норозилик ва ҳ.к. (Гак 1986, 114).

Маълумки, деонтик модаллик ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрий маъноларни (керак, рухсат, таъқиқ, буйруқ, истак ва ҳ.к.) ифодалайди. Масалан, М.А. Абдуразоқовнинг фикрича, деонтик модаллик қуйидаги учта компонент билан изоҳланади: а) модаллик характери, б) модаллик мазмуни, в) модаллик шарти. Тилшунос ҳар бир модаллик турига қисқача таъриф бериб шундай ёзади: «Модаллик характери ҳаракатнинг бажарилиши *керак бўлган* (*devoir* феъли билан), *мумкин бўлган*(*pouvoir* феъли билан) ёки бажарилиши *мумкин бўлмаган* (*ne pas pouvoir faire* модаллиги билан) тил меъёрларига мувофиқ ифодаланади. Модаллик мазмуни замирида эса вазият иштирокчиси, яъни истакни ифодаловчи модал субъект туради. Модаллик шарти деганда, М.А. Абдуразоқов тил вазиятида ҳаракатнинг амалга ошиши *керак бўлган* (*мумкин*,

лозим бўлмаган, мумкин бўлмаган) воқеликни тушунади» (Абдуразақов 1985, 24-25). Муаллифнинг мисоллари замирида иккита семантик категория, яъни *зарурият* ва *мумкинлик* категориялари намоён бўлаётганини кўрамиз.

Шундай қилиб, бизнинг назаримизда, юқоридаги тил ҳодисаларининг мажмуи модаллик хусусияти бўлиб, улар синтактик категория сифатида қаралиши лозим. Бу категориялар таркибига коммуникатив доира, воқелик билан боғланиш, ички модал доира, аффирматив (реал тасдиқ), ташқи модал доира ҳамда эмоционал баҳолашлар қиради. Феъл майллари, модал феъл ва сўзлар модалликни ташкил қилиб, улар гапнинг коммуникатив вазифасини бажаришда фаол иштирок этади. Бундай вазиятда феъл майллари ташқи модал доирани ҳосил қилса, модал феъл ва сўзлар, юқламалар ва ҳ.к. ички модал доирани намоён этади.

2.3. «Реаллик» категориясининг мантиқ ва тилдаги ўзаро муносабининг француз ва ўзбек тилларида ифодаланиши

Мантиқ ва тилда модаллик категориясининг ўзаро муносабатини ва унинг ифодаланишини реаллик категорияси асосида изоҳлаб, мисоллар ёрдамида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Мантиқда

Тилда

Реаллик: А---В

1. Реаллик + маънонинг кучайиши + интонация
Индикатив+презентис+

футурум+перфект

1. (1). Tu **as une trus jolie** maison. Quant a ta mire, je ne la connais pas, mais elle **a l'air gentille** (SCS, 35). - Сенинг **чиройли уйинг бор**. Онанга келсак, мен уни танимайман, лекин у ақлли кўринади¹.

. (2). Ma petite Dominique, que vous **ktes charmante ainsi !** Vous avez l'air **encore plus jeune et plus vif** (SCS, 42). - Кичкина Доменикам, сиз **шундай гўзалсиз!** Сиз ҳали **жуда ёш** ва **ғайратлисиз**.

Мисолларда реаллик категорияси ҳозирги замон аниқлик майли ёрдамида берилиб, мазкур категорияни янада ойдинлаштиришда қатор

¹ Реаллик категориясига оид берилган французча мисоллар муаллиф томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

лисоний бирликлар, жумладан, равишлар (**trus, encore, plus**) ва аслий сифатлар (**jolie, charmante, jeune, vif**) катта роль ўйнайди. Ушбу тил бирликлари асосида сўзловчи объектив борлиқни баҳолайди, натижада берилган гапларда реаллик категориясининг семантик хусусияти янада кучайиб, воқелик эса кучли интонация ва изоҳланиш(**que vous ktes charmante**) билан ажралиб туради.

Матнларда реаллик категорияси сўзловчининг объектив борлиққа бўлган муносабатида намоён бўлиб, у ҳозирги замон феъл шакллари билан ифодаланган. Шунингдек, ушбу семантик категория бошқа феъл замонлари билан, масалан, ўтган, имперфект каби замонлар билан ҳам берилиши мумкин.

Мантиқда

Реаллик: А----В.

II. Тилда

Реаллик + Темпораллик

Индикатив+перфект

(3). **J'ai passй** la nuit a l'йtudier. Et ce matin, je **suis allй** a la Coupole (STN , 26). - Мен кечани мутолаа билан ўтказдим. Бугун эрталаб эса, Купулга бордим.

(4). «Tu me plais» **apris quinze jours** de cohabitation. – Ce n'йtait pas une cohabitation, protestai-je en riant, с'йtait **une lune de miel** (SCS, 84). - Бирга яшаётганимизнинг **иккинчи хафтасидан сўнг** «Сен менга ёқиб қолдинг» дедим. Бу шунчаки бирга яшаш эмас, унинг фикрига эътироз билдириб, бу ахир **асал ойи-ку**, деб кулиб қўйдим.

(5). **Quand j'arrive** chez Luc, Bertrand **йtait dйja la** (SCS, 12). - Мен Лукнинг уйига келганимда, Бернард **аллақачон у ерда эди**.

Берилган мисолда (5) реаллик пайт эргаш гапли қўшма гапда келиб, ушбу гап **quand** боғловчиси билан киритилиб, пайт маъносини ҳам англатиб келмоқда. Бўлиб ўтган реал воқелик эса **dйja la** ибораси билан таъкидланяпти.

Мантиқда

Реаллик: А__В

III. Тилда

Реаллик + ҳаракатнинг

такрорланиши

Индикатив+презенс+имперфект

(5). Je **me levais**, j'**allais** au cours, je **retrouvais** Bertrand, nous **dijеunions** (SCS, 10). - Мен ўрнимдан турардим, ҳовлига чиқардим, Бертранд билан учрашардим, бирга нонушта қилардик.

Реаллик категорияси турли йўллар билан ифодаланиши мумкин. Масалан, воқеликнинг реал эканлиги, биринчи гапда (3) ўтган замон, биринчи шахс орқали ифодаланган бўлса, иккинчи гапда (4) эса реаллик аниқлик майлидаги презенс ва имперфект замонлари билан берилиб, уларда сўзловчининг объектив борлиққа муносабати унинг ички руҳий ҳолатида реал тасвирланган. Охириги гапда (5) реал воқелик имперфект ёрдамида берилиб, унда ҳаракатнинг кунора юз берилиши, қайтарилиши, такрорланиши ифодаланган.

Шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур гапларда реаллик категорияси билан темпораллик маънолари ҳам мавжуд бўлиб, улар *la nuit* (3), **après quinze jours** (4) сўзлари ёрдамида ифодаланган.

Мисоллардан кўриш мумкинки, реаллик категорияси содда гаплар таркибида ифодаланган. Аммо унинг фаолияти шу билан тўхтаб қолмасдан, ушбу семантик категория қўшма ва эргаш гаплар таркибида ҳам воқеланиб, реал тугалланаётган ёки бажарилган ҳаракатни билдириб келмоқда. Масалан:

Мантқиқда.

Реаллик: А---В

IV. Тилда

Реаллик + шарт

Индикати+презенс+футурум

(6). « **Si tu parles de moi, on ne te croira pas** (STH , 73). -). - Агар сен менинг ҳақимда гапирсанг, улар сенга ишонмайдилар.

Бу ўринда реаллик категорияси шарт эргаш гапли қўшма гап таркибида кузатилмоқда, эргаш гап эса **si** боғловчиси билан киритилган.

Маълумки, француз тилида шарт эргаш гапли қўшма гаплар модаллик хусусиятига кўра *реал*, *мумкинлик* (потенциал) ва *нореал* маъноларни ифодалаб келади. Мазкур гапда қўлланган ҳозирги ва аниқ келаси замонлар эса ҳаракатнинг амалга ошиши реал воқелик сифатида қаралади. Таҳлил

килинаётган эргаш гапда, асосан, аниқлик майли қўлланиб, реаллик категориясининг семантик хусусиятларини янада яққолроқ намоён қилиши муайян аҳамият касб этмоқда. Аммо ушбу категория фақат шу майл билан берилиб чекланиб қолади дегани эмас. Мазкур семантик категория истак ва буйруқ майллари билан ҳам ифодалана олиши, тугалланган ёки тугалланиши аниқ бўлган реал воқеликни англатишини қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Мантиқда

А--В Реаллик

V. Тилда

Реаллик + истак+ҳолат

Сюбжонктив-перфект

(7). -- Tu as une mine superbe. Je suis content que tu **sois venue** (SCS, 62).

- Кўринишинг жуда яхши. Мен сенинг **келганингдан** ҳурсандман.

Мантиқда.

А--В Реаллик

VI. Тилда

Реаллик+ буйруқ

Индикатив+ презенс

(8). -- **Ne fatiguez pas** Dominique, dit Catherine avec son autorité habituelle. **Viens** Dominique, les hommes sont des brutes, **allons prendre** le café ensemble (SCS, 25).). – **Ҳорманг**, Доминик - деди Катрин баралла овози билан. **Кел**, Доминик, одамлар қўполлашиб бормоқда, келинг биргаликда **кофе ичамиз**.

Мазкур гапда (8) сўзловчининг объектив борликқа, семантик субъектга бўлган муносабати буйруқ-истак майлининг иккинчи шахс бирлик ҳамда биринчи ва иккинчи шахс кўплик шакллари орқали ифодаланмоқда. Реаллик категорияси юқоридаги лисоний бирликлар билан чекланиб қолмасдан, у феълнинг шахссиз шакллари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Демак, француз тилида феълнинг шахссиз шаклларини герундий (равишдош), сифатдош ва инфинитивлар ташкил этади ва улар гапда бир пайтда бўлаётган ёки тугалланган ҳаракатни ифодалаб келади. Масалан:

Мантиқда.

Реаллик: А....В

VII. Тилда

Реаллик+ равишдош +

(герундий) + сифатдош

(9). **En sortant** de chez Valentine, Maigret rencontre Castaing (SMVD , 41).

Валентиннинг **уйидан чиқа туриб**, Мегре Кастингни учратади.

(10). Elle **racontant**, moi **йicoutant**, elle **conseillant**, moi **n'йicoutant plus** (SCS, 11). - У хикоя қиларди, мен тинглардим, у маслаҳат берарди, мен бошқа тингламасдим.

Мисолларда субъектив реаллик категорияси феълнинг шахссиз шакллари: герундий (равишдош) (9) ва сифатдош (10) тил бирликлари орқали берилиб, улар биринчидан, нутқда бир пайтда бўлиб ўтаётган воқеликни англатса, иккинчидан, юз бераётган реал ҳаракатни ифодалаб келмоқда. Биринчи гапда герундий ўзининг ясалиш шакли билан феълнинг сифатдош шаклидан фарқ қилади. Масалан, герундий **En** морфемаси борлиги билан бош гапдан ажралиб турса, сифатдошда мазкур морфеманинг йўқлиги ва олмошлар билан бирга қўлланиши орқали герундийдан фарқ қилишини кўриб турибмиз. Гапнинг сифатдош шаклида сўзловчининг объектив реал воқеликка муносабати шу билан изоҳланадики, *биринчидан*, сўзловчи шахс бир пайтда ўзига маъқул бўлган реал хабарни қабул қилаётган бўлса, *иккинчи томондан* уни аниқ инкор ҳам қилмоқда. Бу эса сўзловчининг муносабати гапнинг модаллик ва коммуникатив хусусиятига асосланганидан далолат беради.

2. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, француз тилида реаллик категорияси кўпроқ лексик воситалар ёрдамида берилади ва *субъектив реаллик* категориясини ташкил этади. Ушбу семантик категорияни ифодалашда куйидаги лексик воситалар асосий вазифани бажаради: 1) модал феъллар; 2) модал сўзлар; 3) сифатлар; 4) равишлар; 5) модал юкламалар; 6) предлоглар ёрдамидаги отли қурилмалар; 7) махсус иборалар. Ушбу лисоний бирликлар тилда қандай ифодаланишини куйидаги мисоллар ёрдамида таҳлил қиламиз.

Мантқиқда

Реаллик: А....В

VIII. Тилда

Реаллик + мумкинлик

Индикатив + презенс + модал феъл

(11). --**Tu es bien, tu peux aller dormir** (STH, 11). - **Жуда соз**, сен ухлашинг мумкин.

Ушбу гапда (11) ҳаракатнинг амалга ошиши модал *peux* феълнинг ҳозирги замон аниқлик майли шакли билан берилиб, реал воқеликнинг

тезроқ амалга ошиши ва унинг тасдиғи равишлар қурилмаси **très bien** ёрдамида воқеланмоқда. Натижада эса ушбу тил қурилмаси гапнинг модаллик (реаллик) хусусиятининг янада кучайишига олиб келмоқда.

Мантқиқда

IX. Тилда

Реаллик: А....В

Реаллик + Зарурият + темпораллик

Индикатив + перфект+модал феъл, + лексик сўз

(12). **La nuit dernière, j'ai dû** partir précipitamment pour Dieppe car la mère de ma femme est morte (SMVD , 29). - **Шу кеча**, мен зудлик билан Диэпа жўнашим **лозим**, чунки қайнонам оламдан ўтибди.

Берилган мисолда (12) эса мазкур категория *devoir* модал феъли билан ифодаланиб, тугалланган реал воқеликни акс эттирмоқда. Ушбу ҳодисанинг амалга ошишида аниқ вақтни билдириб келаётган **La nuit dernière** иборасининг аҳамияти катта, зотан, у реал ҳаракатнинг аллақачон бажарилганлигини англатиб келмоқда.

Мантқиқда

X. Тилда

Реаллик: А....В

Реаллик + реаллик + сўроқ + тасдиқ

-

Индикатив презенс, модал сўзлар

2) Француз тилида фикрнинг воқеликка муносабатини ифодалаш учун хизмат қилувчи алоҳида сўзлар борки, биз уларни *модал сўзлар* деб атаيمиз. Модал сўзлар турли маънолар (аниқ, гумон, мақсад, маъқуллаш, мавжудлик каби)ни англатиб келади. Жумладан, *субъектив реаллик категориясини* ифодалашда **Bien sûr, Sans doute** каби модал сўзлар қўлланиб, улар фикрнинг аниқлигини билдириб, баён қилинаётган фикрга ишонч ва тасдиқни ифодалайди. Масалан: (13). «**Bien sûr, je suis obligé de laisser un de mes hommes dans la maison**» (СТН, 51). - - «**Албатта**, мен одамларимдан бирини уйда қолдиришга мажбурман». (14). *Vous connaissez Mme Besson ? – Valentine ? Sans doute. Elle est née ici , son père était richeur* (SMVD , 9). - Сиз Бессон хонимни танийсизми? – Валентинними? **Албатта**. У шу ерда туғилган, унинг отаси балиқчи бўлган.

Мисолларда модал сўзлар гапда англатилган фикрнинг сўзловчи учун қанчалик аниқлиги, бу хабарни сўзловчи қандай баҳолашини билдиради.

Биринчи гапда (13) модал сўз **bien sÿre** аниқ заруриятни ифодалаб келган бўлса, иккинчи мисолда (14) эса модал сўз **sans doute** тасдиқни билдирмоқда. Бу орқали, албатта, гапда ифодаланган фикрнинг аниқлиги, реаллигини тасдиқловчи модал сўзлар ёрдамида биз иккала гапда ҳам тугалланган ҳаракат хусусида тасаввурга эга бўла оламиз. Демак, реаллик категорияси фақат ўзи ифодаланмасдан, балки бошқа маънолар, жумладан, *зарурият*, *тасдиқ* ва *таъкид* маънолари билан ҳам уйғунлашиб микромайдонларни ҳосил қилади.

3. Шуни айтишимиз мумкинки, реаллик категорияси содда гапларда, айниқса, диалогик нутқда *сифат* орқали ҳам ифодаланиши мумкин:

Мантиқда

Реаллик: А...В

XI. Тилда

Реаллик + сўроқ + сифат + тасдиқ

Индикатив + презент

(15). Vous aimez **beaucoup** Valentine ? – **Beaucoup**. Elle a toujours йтй tris gentille avec moi (SMVD , 34-35). - Сиз Валентинни **жуда** яхши кўрасизми? – **Жуда ҳам**. У ҳар доим мен билан жуда яхши хушмуомалада. (16). Il faut que vous restiez la. Je **suis seule**, je **suis si seule**. C'est insupportable (SCS, 113). -- Сиз у ерда қолишингиз керак. Мен **ёлғизман**, Мен **жуда ҳам ёлғизман**. Бунга чидаб бўлмайд.

Мисолларда реаллик категорияси аслий сифат **beaucoup** ва нисбий сифат **seule** ёрдамида ифодаланган. Биринчи гапдаги (15) **beaucoup** сўзига хос семантик хусусият шуки, ушбу тил бирлиги ҳам сифат, ҳам равиш вазифасида келиши мумкин. Демак, агар **beaucoup** предметнинг белгисини билдириб келса, унда сифат вазифасини, агарда предметнинг миқдорини англатиб келса, равиш вазифасини бажарган бўлади. Келтирилган гапда сифат маъносидаги **beaucoup** атоқли от ўрнида қўлланиб, у сўзловчининг тил объектига бўлган реал муносабатини ва кучли истагини ифодалаб келмоқда.

Иккинчи гапда (16) **seule** нисбий сифати сўзловчининг ғамгин ва рухий тушкунлик ҳолатини билдириб, реал воқеликни англатиб келса, иккинчи томондан мазкур гапдаги **si** юкламасининг қўлланиши эса ушбу маънони кучайтириб, реал фактни янада тасдиқлаб, ўз суҳбатдошининг бирга қолишини илтимос қилапти. Бунинг объектив реаллик ва зарурият

эканлигини гапнинг модаллик хусусиятидан билишимиз мумкин. Бинобарин, сифатлар маъно жихатидан бир-биридан фарқ қилиб, алоҳида семантик реаллик категориясини ифодалаш учун хизмат қилмоқда.

4. Маълумки, гапда ҳаракат қандай ҳолатда бажарилиши кўпинча *равишларга* боғлиқ бўлиб, улар ҳаракатнинг белгисини, қайтарзда бажарилишини, реаллик категориясини ифодалаш учун эса аниқ вақтни билдириб келади. Бу эса мазкур категорияни ифодалашда равишларнинг ҳам роли катта эканлигини англатади. Мисолларни таҳлил қиламиз.

Мантқиқда.

А---В Реаллик

ХП. Тилда

Реаллик + Пайт равиш

Индикатив + презенс+

Перфект + футур иммедиа

(17). **Bientôt**, il ne resta plus, avec Maigret, que deux clients dans la salle (STN , 33). - **Тез орада**, залда Мегре билан иккита миждан бўлак ҳеч ким қолмади.

(18). -- **Maintenant**, je vais te ramener, dit Luc. Il est tard (SCS, 22). - **Ҳозир** мен сени олиб кетаман, деди Лук. Кеч бўлиб қолди.

Реаллик модаллик макромайдонини ифодалашда равишлар феъллар билан боғланиб, ҳаракатни билдириб, гапда, асосан, пайт ҳоли микромайдонини ҳосил қилади. Мисолларда **bientôt**, **maintenant** равишлари пайт маъносини ифодалаб, улар гапнинг бошида келиб, объектив воқеликни аниқлаб келмоқда. Биринчи (17) гапда аниқлик майлининг ўтган замон феъл шакллари ва равишлар ҳаракатнинг аллақачон тугалланганлигини билдирмоқда. Иккинчи гапда (18) **maintenant** равишининг берилиши ҳаракатнинг яқинда амалга ошишини белгиласа, мисолдаги ҳозирги келаси замоннинг ва **tard** сўзининг қўлланиши эса ушбу гапда воқеликнинг аниқ амалга ошишини тўла таъминлаши ҳақида хабар берапти.

5-6. Тилда шундай бирликлар борки, улар гапларга қўшимча маъно юклаб, семантик микромайдонларни яратиш учун хизмат қилади. Албатта, бу гуруҳга модал юкламалар ва отлар таркибига қўшилган предлоглар (қўмакчилар) киради. Ушбу кичкина тил бирликлари отлашган қурилмаларни ташкил қилади, натижада ҳамма лисоний бирликлар бирикиб реал воқеликни

ифодалаш учун хизмат қилади.

Ушбу ҳолатни қуйидаги мисолларда кузатамиз:

Мантиқда

Реаллик: А...В
+

ХIII. Тилда

Реаллик + истак + сўроқ + маънонинг кучайиши
буйруқ + тасдиқ + ҳолат

Индикатив + имперфект + презенс + юклама **si** +
махсус отлашган қурилма

(19). **Si** nous allions dîner ? – **Avec plaisir**. J'ai envie de manger des moules. Parlez-moi de Rose (SMVD , 14). - Тушлик қилишга борсак-чи? – **Бажонидил**. Мен ракушка ейишни хоҳлардим. Менга Роза ҳақида гапиринг.

(20). **A la vйritй** j'avais peur, tris peur de cette nuit a venir (SCS, 66). - **Тўғриси**ни айтсам, мен кўрқдим, бу кечанинг келишидан жуда кўрқдим.

Юқоридаги мисоллардан кўриш мумкинки, реаллик макромайдони атрофида турли хил семалар (**истак + сўроқ + буйруқ + тасдиқ + ҳолат**) ҳосил бўлиб, улар микромайдонларни яратмоқда.

Мисоллар оғзаки нутққа хос бўлиб, улар кўпроқ диалогик нутқларда берилган. Гапларда реаллик категориясини ифодалаш учун аниқлик майлининг имперфект ва презенс замонлари қўлланган. Мисолларда белгиланган отли қурилмалар (**Avec plaisir** – жоним билан, **A la vйritй**- ҳақиқатан) гапнинг умумий мазмунини белгилаб, реалликни батамом ойдинлаштирмоқда. Биринчи гапда (19) сўзловчи томонидан берилган савол сўроқ юкламаси **si** билан бошланиб, ушбу модал юклама гапга қўшимча маъно юклаган ҳолда, гапда воқеликни реаллаштириш учун савол тарзида қўлланыпти. Саволга жавоб эса отлашган қурилма (**Avec + Nom**) ёрдамида реал воқелик тасдиқланыпти. Бу ерда **avec** предлоги от билан(**le plaisir**) бирикиб, отлашган қурилмани ҳосил қилмоқда. Ушбу гапда реаллик категорияси билан бирга истак ва буйруқ маънолари ҳам ифодаланиб, улар мазкур гапнинг модаллик белгиларини аниқлаб келмоқда. Кейинги гапда (20) реаллик категорияси **a + nom** отлашган қурилма асосида ҳосил бўлиб, гапда предлог **a** билан от (**la vйritй**) уйғунлашиб семантик субъектнинг ички

ҳолатини аниқлаштиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ушбу гапда ҳаракатнинг чекланганлиги ва равшанлиги яна **cette nuit** ибораси билан ҳам изоҳланиб келмоқда.

7. Субъектив реаллик категориясини ифодалашда тилда шундай лисоний бирликлар ҳам мавжудки, биз уларни *махсус иборалар* деб атадик. Бундай иборалар кўпроқ гапнинг бошида келиб, гапда улар воқеа-ходисаларни янада реаллаштиришга имкон беради. Масалан:

Мантқиқда.

Реаллик: А....В

XIV. Тилда

Реаллик + тасдиқ + буйруқ + махсус иборалар

Индикатив + имперфект +

Императив + перфект

(21). **Et en effet**, c'йtait une dйlicieuse vieille dame, menu, le visage rose sous des cheveux blancs... SMVD , 5). - **Ҳақиқатан**, бу кекса аёл хушбичим эди, гул юзи оқ сочлари остидан кўзга ташланарди. (22). «**D'accord** pour les cent mille francs. Envoyez la cлй, au nom de Dupont, poste restante, quartier Raspail » (STH , 72). - «Юз минг франкка **келишдик**. Калитни Дюпон номидан сўраб олинадиган қилиб, Распэл кварталига юборинг». (23). «**C'est vrai**, il a tйлйphonй a son tailleur» (STH , 43). «Бу рост, у ўз тикувчисига телефон қилди».

Ушбу ибораларга (**et en effet**-ҳақиқатда, **d'accord**-розиман, **c'est vrai**-бу тўғри, ҳақиқат) хос семантик хусусият шундан иборатки, улар ёзма нутқда ҳам (21), оғзаки нутқда (23) ҳам қўлланади.

Биринчи гапда (21) ўтган реал воқелик сўзловчи томонидан кузатилиб ҳамда аниқлик майлининг имперфект замонида изоҳлаб берилган бўлса, **et en effet** иборасининг қўлланиши эса матндаги объектив персонажнинг кўринишини тўлалигича, ҳаққоний реал факт асосида очиб берган. Иккинчи мисолда (22) реаллик категорияси махсус ибора **d'accord** ёрдамида намоён бўлмоқда, шунингдек, ушбу ибора бошқа тил бирликлари билан қўшилиб, феълсиз отлашган қурилмани ҳосил қилган ва унинг ёрдамида ҳаракатнинг аниқ амалга ошиши кучли интонация билан ифодаланган ҳамда гапда розилик аломати таъкидланган. Учинчи гапда (23) **c'est vrai** иборасининг аниқлик майлида ҳозирги замон феъл шаклида берилиши реал воқеликни

тасдиқлаб келмоқда, шунингдек, гапдаги ҳаракатни эса ўтган замон аниқлик майлида тугалланганлигини берилган матн мазмунидан билиб олиш қийин эмас. Мисолларда субъектив реаллик категорияси ўз атрофида ҳолат, розилик ва буйруқ маъноларини мужассамлаштириб, сўзловчининг объектив борлиққа ва гапнинг мазмунига бўлган муносабатини турли лисоний бирликлар ёрдамида эркин ифода этмоқда.

Мазкур гапларда реаллик категорияси морфологик ва лексик йўллар билан ифодалангани намоён бўлди. Аммо ушбу семантик категория фақат шу йўллар билан чекланиб қолмасдан, балки синтактик воситалар ёрдамида, жумладан, сўз тартиби ва интонация билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай ифодаланиш ёзма, айниқса, оғзаки нутқда сўзловчи ва тингловчи субъектлар орасида бирор ҳаракатнинг амалга ошишида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, интонация ёрдамида ижтимоий ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисаларнинг реал хусусиятини очиб беришда ҳам унинг ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан:

Мантқиқда

Реаллик: А---В

XV. Тилда

Реаллик + истак + интонация + сўроқ +
пайт маъносининг кучайиши

Индикатив + имперфект + презенс + сифатдош

(24). *Pourtant j'aimais vivement certaines choses: Paris, les odeurs, les livres, l'amour et ma vie actuelle avec Luc* (SCS, 78). - Мен бирқанча нарсаларни жуда ҳам яхши кўраман: **Париж, атир-упалар хиди, китоблар, севги ва бизнинг Люк билан ўтказган завқли ҳаётимиз.**

(25). «*On dîne ensemble ? – Pas aujourd'hui, je suis invité en ville. – Alors, demain ? – Entendu*» (STH, 30). - «**Бирга тушлик қилмаймизми? -Бугун эмас, мен шаҳарга меҳмонга таклиф қилинганман. Эртага-чи? -Розиман.**».

Биринчи гапда (24) сўзловчининг объектив борлиққа муносабати ва ўзининг бошидан ўтказган ички кечинмалари, унинг кучли истаги маълум тартибда аниқ ва мавҳум отлар ёрдамида берилган. Ҳар бир от эса ўз ўрнида бир-бирдан ажралган ҳолда алоҳида интонацияга эга бўлиб, уларни сўзловчи кучли интонация ёрдамида талаффуз қилмоқда, натижада истак тушунчаси реал воқелик билан қоришиб, уйғунлашиб кетганлигини

интонация ёрдамида кўриб турибмиз.

Иккинчи гапда (25) реаллик категорияси сўзловчи ва тингловчи орасидаги мулоқот жараёнида амалга ошаётган муносабатни билдирмоқда, реаллик макромайдони атрофида *сўроқ, инкор, пайт, розилик*, тасдиқ семантик микромайдонлари мужассамлашиб, амалга ошиши мумкин бўлган реал воқелик эса интонация асосида таъкидланмоқда.

Мантқиқда

XVI. Тилда

Реаллик : А....В

Реаллик + тасдиқ + ундаш + маънони кучайтириш

Индикатив + презенс + стилистик қўлланиш + юклама

Реаллик категориясини ифодалашда юқоридаги лисоний бирликлар билан бирга келиб ёки улар билан ҳам ёнма-ён қўлланадиган модал юкламаларнинг ҳам роли катта. Ушбу тил бирликлари ҳажми жиҳатидан кичкина бир тил бирлигини ташкил қилса ҳам, улар турли хил семантик маъноларни ифодалашда катта мазмунга эгадир. Улар тилда доим фаол катнашиб, реаллик категориясини намоён қилишда асосий лисоний бирлик бўлиб ҳисобланади. Мисоллар таҳлилига эътибор беринг:

(26). – Раҳмат, ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб **берсангиз-чи**. – **Хўб**, бегим (+ЎК, 13). (27). – **Ҳа, баракалла, бор** экансизлар-ку! Ўртага олинглар ашулачини! (ЧКК, 24). (28). – Ўлмасхон, бормисиз? **Дурустроқ** айтсангиз-чи! – **Ҳа, рост, шундай** яхши овозингиз **бор экан**, шўх-шўх айтмайсизми? (ЧКК, 23).

Ушбу мисолларда модал юкламалар феълларга қўшилиб ҳар хил маънони ифодаламоқда. Масалан, **-чи** юкламаси (26, 28) ҳаракатни, реал воқеликни амалга ошириш учун ундаш ва истак маъноларини ифодалаб келмоқда. Кейинги гапда (27) эса **-ку** юкламаси воқеликни янада ривожлантириш учун хизмат қиляпти. Ушбу юклама ҳам ундаш ва истак маъноларини англатиб келмоқда. Кўриниб турибдики, реаллик категорияси гапларда турли хил семантик маънолар билан бириккан ҳолда, гапнинг умумий модаллик микромайдонининг хусусиятини очиб бермоқда. Юкламалардан ташқари, мисолларда берилган қатор модал сўзлар ҳам ушбу категорияни ифодалашда тасдиқни (**хўп** (26), **ҳа, рост, шундай** (28)), модал

субъектнинг ҳаракатини баҳолаш (**дурустроқ**) ва уни қўллаб-қувватлаш (**ха, баракалла** (27)) мақсадида юқоридаги лисоний бирликлар берилиб, улар кўпроқ оғзаки нутқда содда ва ундов гаплар таркибида қўлланиши намоён бўлмоқда. Объектив борликдаги семантик субъектнинг реал мавжудлиги эса **бор, бор экан** иборалари билан узвий боғланиш натижасида улар реаллик категориясининг умумий моҳиятини очиб берган.

Шундай қилиб, ушбу мисоллар таҳлили ўзбек тилида реаллик категорияси уч турга бўлинишини кўрсатди: *объектив реаллик* – бу гапда ифодаланган мазмуннинг реаллигига бўлган муносабат, *субъектив реаллик* – бу субъект ва объект орасидаги гап мазмунига бўлган элементларнинг ўзаро муносабатидаги узвий бирлик, *ижтимоий реаллик* деганда эса сўзловчининг объектив борликқа бўлган умумий муносабати деб тушуниш керак. Реаллик категорияси бўйича ўтказилган илмий таҳлил натижасидан келиб чиқиб, ушбу категорияга шундай таъриф бериш мумкин: **Реаллик категорияси** бу объектив, субъектив ва ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг гап мазмунида тугалланган, тугалланаётган ва яқинда тугаши аниқ бўлган ҳаракатнинг инсон онгида реал акс этиши ва уни морфологик, лексик ва синтактик йўллар билан ифодаланишидир.

Ўзбек тили *материаллари асосида* реаллик категориясини ифодалашда асосан, қуйидаги лисоний бирликлар қўлланади: 1) *морфологик* (аниқлик ва буйруқ майллари, шакллари: **-ди, -ибди, ган, -ган эди, -ётган эди, -(а)р; эди, -япти, -ади, -(а)р**; 2) *лексик* (модал ва тўлиқсиз феъл эди, модал ва кириш сўзлар (**албатта, шубҳасиз, ҳақиқатда, ҳақиқатан ҳам, чиндан, чинакам, сирасини айтганда, энди, керак, рост, ха, баракалла, бор, йўқ**), юкламалар (**-чи, -да, -ку**), отлар, ўзлик олмоши); 3) *синтактик воситалар*: (**сўз тартиби, интонация**). Ўзбек тилида реаллик категориясини ифодалашда аниқлик майли асосий восита ҳисобланса, иккинчи томондан модал сўзлар ва интонациянинг қўлланиши эса қатъий реалликни ифодалашда муҳим роль ўйнайди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўрта асрда Шарқ Уйғониш даври олимларининг уч буюк хизмати баён этилди: *Биринчидан*, Форобий, Ибн Сино, Беруний каби алломалар юнон фани ютуқларини янада ривожлантирди. Форобий сўз маъноларини тасниф этиш билан бирга, от ва феълларнинг грамматик категориялари ҳақида ҳам фикр юритган. Форобий асосий мантиқий категориялар: тушунча, ҳукм ва уларнинг турлари, хулоса, силлогизм ва уларнинг шакллари, модусларини чуқур таҳлил қилиб, улар тўғрисида изчил таълимот яратди.

Иккинчидан, Шарқ олимлари Юнон, Ҳинд, Эрон, Бобил, Миср ва бошқа худудларда жамланган билимларни синтез қилди – саралади.

Ўрта аср Шарқ олимларининг *учинчи* буюк хизмати шундаки, улар фан юксалишини навбатдаги босқичга кўтариб, янги фан соҳаларига асос солганлар.

Форобий мантиқ категориялари: тушунча, материя, субстанция, акциденция, ҳаракат, вақт, шунингдек, тил ифодалари: сўз, содда ва мураккаб фикрларнинг нутқдаги ифодаси, ҳукм, силлогизм каби мантиқий хусусиятларни ҳам назарий, ҳам амалий асослаб беради.

2. /арб Уйғониш даврининг илм-фан, мантиқ, мантиқий грамматика ривожда Антуан Арно ва Клод Ланслорларнинг «Умумий ва мантиқий грамматика» асари муҳим ўрин тутди. Асарда тил тафаккур кўзгуси сифатида қаралиб, муаллифлар ҳар бир грамматик категория учун мантиқий асос (сабаб-тушунтириш) топиш мақсадида илмий изланиш олиб бордилар. Муаллифлар учун нутқнинг асосий бирлиги гап ҳисобланиб, у мантиқий ҳукмни ўз ичига олади (La terre est ronde) ва уч атамадан: эга (terre), аниқловчи (ronde), боғлама (est) дан иборат бўлган.

Уйғониш даврида грамматикада феъл категорияларига алоҳида эътибор берилиб, гап мазмунидаги *тасдиқ*, *мумкин*, *зарурият* ва *инкор* модал категориялари қалбимизнинг (ички туйғумизнинг) ички хусусиятини (хоҳиш,

илтимос, буюриш...) ифодалаб келганлиги асослаб берилди.

3. Ҳозирги замон мантиқ илмида модаллик категорияси ҳақидаги мантиқшунос олимларнинг назарий қарашлари чуқур таҳлил қилинди ва мантиқ илмида модаллик категорияси қуйидаги йўллар билан ифодаланиши маълум бўлди: 1) атоқли ва турдош отлар (Аристотель); 2) махсус формула ва белгилар билан; 3) арифметик сонлар (Лейбниц); 4) *de dicto*, *de re* модал қурилма; 5) модал операторлар: $\Box p$, $\Box A$, $\Diamond P$, $\Diamond A$, $\neg \Box \neg p$; 6) мантиқий боғловчилар: \wedge конъюнкция, \vee дизъюнкция, импликация \rightarrow ; 7) мантиқий белгилар \neg , $\neg \neg$, \sim ; 8) индивидуал предметларнинг ўрнига кичик латин ҳарфлари: *a, b, c, ..., x, y* ва предикатларни тушунтиришда эса қуйидаги катта латин ҳарфлари *S, P, R, Q* билан берилди.

4. Тадқиқотда учта семантик макромайдоннинг («реаллик», «мумкинлик», «зарурият») мантиқ ва тилдаги ўзаро муносабати қуйидаги семантик хусусиятлар билан тавсифланди:

- ушбу категорияларнинг ҳар бири гапнинг модаллик хусусиятини англатиб, улар сўзловчининг объектив борлиққа муносабатини ифодалайди;

- «реаллик», «мумкинлик», «зарурият» модаллик категориялари баъзи ҳолларда яхлит майдонни ҳосил қилмайди, чунки уларнинг таркибида турли хил микромайдонни ҳосил қилувчи семалар (илтимос, буйруқ, шарт ва ҳ.к.) мавжуд бўлиб, «реаллик», «мумкинлик», «зарурият» категорияларининг ҳар бири камида иккита маъно (истак, тахмин ва ҳ.к) билан битта семантик майдонда кесишиб, бир-бирига зидлашган бўлади. Бундай модаллик хусусияти эса мантиқда учрамайди:

- юқоридаги категорияларнинг ҳар бири мустақил модаллик макромайдонини ташкил қилиб, улар турли хил лисоний бирликлар билан берилди;

- модаллик категориялари лексик, грамматик, фонетик воситалар билан ифодаланиб, улар лексик-грамматик майдонни ҳосил қилади.

Шунингдек, лексик-грамматик модаллик майдонини ҳосил қилувчи тил элементлари имкони борича қайси сатҳга қарашлиги аниқ кўрсатилди:

- ҳар бир майдонда иштирок этаётган лисоний бирликлар орасидаги муносабатларнинг структуравий ва модаллик хусусиятлари очиб берилди;

- модал категорияларнинг содда ва қўшма гаплар таркибида кўлланганлиги кузатилди ва улар диссертациянинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ таҳлил қилинди.

5. Модаллик категориясининг турли тилларда ифодаланиши тўққизта семантик гуруҳга ажратилди ва улар орасидаги умумий фарқлар қуйидагича очиб берилди:

- сўзловчи айтаётган фикрнинг гапдаги мақсади ва гапнинг коммуникатив функцияси, тасдиқ ва инкор маъноларининг ифодаланиши;

- семантик маъноларнинг икки турини баҳолаш: а) сўзловчи томонидан воқеликларнинг (мумкин, зарур ёки истак) баҳоланиши; б) сўзловчининг унга хабар қилинган воқеликка ишончлилиқ даражаси;

- сўзловчининг гап мазмунидаги ҳис-туйғу ва сифат фазилятларининг ифодаланиши;

- модалликнинг объектив ва субъектив категорияларга бўлиниши;

- коннотатив модаллик маъноларининг ифодаланиши: севиш, эркалаш, хурмат, кичрайтириш, камситиш ва ҳ.к.

6. Француз тилида *реаллик* категорияси *морфологик* (фёъл майллари-аниқлик, истак, буйруқ ва фёълнинг шахссиз шакллар (сифатдош, герундий-равишдош), *лексик* (модал сўзлар, модал фёъллар, юклама, предлог, сифат, равиш, от, гапнинг махсус қурилмалари) ва *синтактик воситалар* (сўз тартиби, интонация) билан ифодаланиши маълум бўлди.

Ўзбек тилида *реаллик* категорияси: 1) *морфологик* (аниқлик ва буйруқ майллари, замон, шахс, махсус фёъл шакллари: -ди, -ибди, ган, -ган эди, ётган эди, -(а)р эди, -япти, -ади, -(а)р, 2) *лексик* (модал ва тўлиқсиз фёъл

эди, модал ва кириш сўзлар (**албатта, шубҳасиз, ҳақиқатда, ҳақиқатан** хам, **чиндан, чинакам, сирасини айтганда, энди, керак, рост, ҳа, баракалла, бор, йўқ,)**, юкламалар (**-чи, -да, -ку**), от, кўрсатиш олмоши, 3) *синтактик* (сўз тартиби, интонация) воситалар ёрдамида ифодаланиши мисоллар асосида далилланди.

Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт приривард мақсадимиз. 8-том. - Тошкент, 2000. - 504 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. – 318 б.
3. Аль-Фараби. Философские трактатў. - Алма-Ата: Наука, 1970. – 429 с.
4. Абдуразаков М. А. - Очерки по сопоставительному изучению разносистемнўх язўков. - Тошкент: Фан, 1973. – 166 с.
5. Абдуразаков М.А. Семантическая структура вўсказўвания (Семантические типў субъектов и предикатов): Автореф. дис. ...докт. филолог. наук. – М.: 1985. - 28 с.
6. Абдурахмонов /. Ўзбек тили грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 8-9.
7. Алисова Т. Б. Дополнителнўе отношения модуса и диктума. - ВЯ, №1. -М.: 1971 а. - С. 54-64.
8. Алисова Т. Б. Очерки синтаксиса современного итальянского язўка. - М.: 1971.
9. Аристотель. Категории. С приложением «Введения», Порфирия к «Категориям» Аристотеля. - М., 1939.
10. Аристотель. Аналитики. Первая и вторая. Госполитиздат. - М., 1952.
11. Аристотель. Метафизика. - М., 1976, - 356 с .
12. Аристотель. - М., 1978, том 2, - С. 9-10.
13. Арутюнова Н. Д. Понятие пропозиции в логике и лингвистике. Изд.АН.СССР // Серия лит-рў и язўка.Т. 35, №1. - М., 1976. -С. 46-54.
14. Балли Ш. Обҳая лингвистика и вопросў французского язўка. - М.: изд-во иностр. лит-рў, 1955. – 416 с.
15. Бенвенист Э. Обҳая лингвистика. - М., 1974.

16. Бессонов. А.В. Предметная область в логической семантике.- Новосибирск.: 1985. - 112 с.
17. Блинов А. Л. Семантика и теория игр. Изд-во Наука. Новосибирск.: 1983. - 129 с.
18. Бондарко А.В. Теория морфологических категорий. Л.: Наука, 1976.
19. Бондарко А.В. Грамматическое значение и смѳсл. Л.: Наука, 1978. - 173 с.
20. Бондарко А. В. Функциональная грамматика. Л.: Наука, 1984. –136 с.
21. Будагов Р.А. Язѳк, история и современность. - М.: Изд-во Московского университета. 1971. – 300 с.
22. Будагов Р.А. Сходства и несходства между родственнѳми язѳками - М.: Наука. 1985. – 271 с.
23. Бушуй А.М. О функциональном подходе к определению актуальной структурѳ предложения // Преподавание язѳка и литературѳ. 2004. - №1, - С. 27-34.
24. Буранов Дж.Б. Сравнительная типология английского и тюркских язѳков. - М.: Вѳсшая школа, 1983. - 267 с.
25. Васильева Н.М. Пицкова Л.П. Теоретическая грамматика французского язѳка. - М.: Вѳсшая школа, 1991. – 300 с.
26. Виноградов В.В. О категории модальности и модальнѳх словах в русском язѳке // Избраннѳе трудѳ. Исследования по русской грамматике. - М.: Наука. 1975. - С. 54 - 87.
27. Вольф У.М Функциональная семантика оценки. - М.: Наука, 1985. - 227 с.
28. Гак В. Г. Теоретическая грамматика французского язѳка. Синтаксис. - М.: Вѳсшая школа, 1981, 1986. – 221 с.
29. Гак В. Г. Теоретическая грамматика французского язѳка. Морфология. - М.: Вѳсшая школа, 1986. – 312 с.

30. Гак В. Г. Сравнительная типология французского и русского языков. - М.: Просвещение, 1989. – 288 с.
31. Гак В.Г. Речь правильная и речь аутентичная. ИЯШ. М., 2002.- №5. - С. 85-89.
32. Гийом Г. «Время и глагол». - М, 1970.
33. Горский Д. П. Логика. - М., 1958.
34. Гулѳга Е. В. Теории сложноподчиненного предложения в современном немецком языке. - М.: Вѳсшая школа, 1971. – 206 с.
35. Гурѳчева М.С. Условнѳе и уступительнѳе предложения в провансальском и во французском языках. (Из истории категории модальности в языках галло-романской группѳ). – Автореф. дис. ... докт. филол. наук, - М.: 1952.
36. Гуцу Е.Г. Модальнѳе глаголѳ *devoir, pouvoir, falloir* как лексико-синтаксическое средство вѳражения модальности предложения. Уч.зап. (Бельц.пед.ин-т). - Кишинев.: 1974. – С. 12-35.
37. Зикриллаев Г.Н. Модальность и система форм изъявительного наклонения. Автореф. дис. канд. филолог. наук. - Т.: 1978. – 21 с.
38. Золотова Г. А. О модальности предложения в русском языке // ФН. № 4. - М., 1962. – С. 65-79.
39. Золотова Г. А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. - М.: Наук, 1974. – С. 6 - 157.
40. Ивин А. А. Парадоксѳ модальной логики Я.Лукасевича. ФН, №1. - М., 1980.
41. Илия Л. И. Пособие по теоретической грамматике французского языка. - М.: Вѳсшая школа, 1979. - 215 с.
42. Исаев А. В. К вопросу о делении суждений по модальности. - М.: 1961.
43. Карнап Рудольф. Значение и необходимость. - М., 1969.
44. Касевич В.Б., Храковский В.С. От пропозиции к семантике предложения. // Типология конструкций с предикатнѳми актантами. Л., 1985. - С. 9-17.

45. Клаус Г. Введение в формальную логику. - М., 1960.
46. Кондаков Н.И. Логический словарь – справочник. - М.: Наука, 1975. - 717 с.
47. Корди Е.Е. Конструкции с глаголом *rouvoir* в современном французском языке. – Категории глагола и структурѳ предложения. - Л.: Наука, 1990. - С. 186-194.
48. Корди Е.Е. Модальнѳе и каузативнѳе глаголѳ в современном французском языке. – Ленинград. Наука, 1988. - 165 с.
49. Кнуттила С. Изменение модальной парадигмѳ в поздней средневековой философии. - В кн.: Модальнѳе и интенциональнѳе логики и их применения к проблемам методологии науки. - М., 1984.
50. Куайн У. О. Референция и модальность // Новое в зарубежной лингвистике. - М.: 1982, том XIII. - С. 87-195.
51. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. - М.: Прогресс. 1978.
52. Лейбниц Г. В. Сочинения в четѳрех томах, том 3. - М.: Мѳсль, 1984. – 734 с.
53. Лосев А. Ф. Учение о словесной предметности (лектон) в языкѳзнании античнѳх стоиков. - В кн.: Лосев А. Ф. Знак. Символ. Миф. - М.: - 1982.
54. Логическая семантика и модальная логика. - М.: Наука, 1967. - 277 с.
55. Логика, семантика, методология. – Тбилиси. 1978.
56. Ломтев Т. П. Предложение и его грамматические категории. - М., 1972. - С. 78-109.
57. Лукасевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. - М., 1959.
58. Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике. -Т.: Ёкитувчи, 1989. – 117 с.
59. Махмудов Н., Нурмонов А. Ёзбек тилининг назарий грамматикаси. - Т.: Ёкитувчи, 1995. – 226 б.

60. Механинов И.И. Соотношение логических и грамматических категорий. – В кн.: «Язык и мышление», М., 1967.
61. Миннихметов Р.Г. Модальное слово и частица как лексико-грамматическое средство выражения модальности в татарском языке. Уфа. 2000. Автореф. дис. канд. филолог. наук. – 23 с.
62. Мирзаев И.К. +иёсий – типологик тадқиқотлар масаласига доир. – Тилларни қиёсий – типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари. – Термиз, 2004. – Б. 117-118.
63. Модальное и интенциональное логики и их применение к проблемам методологии науки. - М.: Наука, 1984. – 295 с.
64. Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. - М.: Высшая школа, 1976. –С. 61-217.
65. Нурмонов А. Махмудов Н. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Т.: Фан, 1992. – Б. 80-89.
66. Орзикулов Ҳ.. Тил системаси, нутқ системаси, нутқ. – Тил ва адабиёт таълими. Тошкент, 2001. № 2. – Б. 22-25.
67. Панков Ф.И. Еще раз о грамматике и семантике модальных слов.// Вестник Московского университета. Сер. Филология. - 2003. - №2. – С. 59-73 с.
68. Панфилов В. З. Взаимоотношение языка и мышления. - М., 1971.
69. Панфилов В. З. Категория модальности и ее роль в конституировании структур предложения и суждения // ВЯ. - М., 1977. № 4.
70. Панфилов В. З. Гносеологические аспекты философских проблем языкознания. - М.: Наука, 1982. – С. 152-180.
71. Петров Н. Е. О содержании и объеме языковой модальности. -Новосибирск.: Наука, 1982. – 161 с.
72. Проблемы функциональной грамматики. - М.: Наука, 1985. – 198 с.
73. Пятницун Б.В. Модальность и вероятность - средства выражения категории неопределенности. – В. кн.: Модальное и интенциональное логики и их применения к проблемам методологии науки. - М., 1984.

74. Рудник Э.Я. Модальнѳе глаголѳ и предикатѳ как имена модальнѳх отношений (на материале русского язѳка в сопоставлении с немецким). Автореф. дис. ...канд. филолог. наук. – Воронеж, 1977.
75. Сабанеева М.К. Генезис косвеннѳх наклонений французского глагола. - Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1981. – 183 с.
76. Сааринен Е. Являются ли суждения объектами пропозициональнѳх установок? - В. кн.: Модальнѳе и интенциональнѳе логики ... - М., 1984.
77. Светлин Ян. Синтаксис русского язѳка в сопоставлении с словацким. Братислава: 1979.
78. Сидоренко Е. И. Логическое следование и условнѳе вѳсказѳвания. -М.: Наука, 1983. - 173 с.
79. Сибгатов Р.Г. Модальнѳе слова в функции предикативнѳх средств // Советская тюркология, М., 1985. № 6.
80. Сибгатов Р.Г. Теория предикативности. - Саратов, 1984. – С. 17-20.
81. Слинин Я. А. Теория модальностей в современной логике. - Логическая семантика и модальная логика. - М.: Наука, 1967.
82. Смирнова Е. Д. Таванец П. В. Семантика в логике. - Логическая семантика и модальная логика. - М., 1967. – С. 3-54.
83. Солганик Г.Я. О текстовой модальности как семантической основе текста // Структура и семантика художественного текста: Докладѳ VII Международ. Кон. М., 1999. – С. 364-365.
84. Степанов Ю. С. Современнѳе связи лингвистики и логики. – ВЯ. - М., 1973. № 4. – С. 62-75.
85. Степанов Ю.С. Имена. Предикатѳ. Предложения. - М.:Наука, 1981. - 360 с.
86. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве язѳка. - М.: Наука. 1985. - 334 с.
87. Таванец П.В. Суждения и его видѳ. – С. 96-97; А. В. Дроздов. Вопросѳ классификации суждения. Изд. АЛГУ, 1956. – 130 с.

88. Таванец П.В. Классическая и неклассическая логики. – Сб. «Неклассическая логика». М., 1970.
89. Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность. - Л.: Наука, 1990. – 263 с.
90. Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. Тошкент.: Фан, 2003, - 113 б.
91. Турниёзов Н.+. Нутқ ва унинг эгоцентрик характери хусусида баъзи мулоҳазалар // Тил ва нутқ систем-сатҳ талқинида. Самарқанд ДЧТИ, 2005. - Б. 21-22 .
92. Фалсафий +омусий лугат. - Т., 2004. - 312 б.
93. Фейс Р. Модальная логика. - М.: Наука, 1974. – 514 с.
94. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. - Т., 1993.
95. Философия лугати. -Т.: Ўзбекистон, 1976. – 639 б.
96. Хайруллаев М. Форобий руҳий жараёнлар ва таълим-тарбия тўғрисида. - Т.: 1957. - Б. 25-27.
97. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантӣқ. -Т.: Ўқитувчи, 1993. - 304 б.
98. Ҳошимов /. +ўшма гапларда боғловчи воситаларига кўра тилларнинг синтактик-типологик таснифи. – Til va adabiyot ta`limi. - Т. 2001. – Б. 73-77.
99. Ходжаев Т. Повелительное наклонение в современном узбекском язўке. Автореф. дис. канд. филолог. наук. – Самарқанд, 1963.
100. Цейтлин С.Н. Необходимость. – В. кн.: Теория функциональной грамматики. - Л., 1990. – С. 142- 150.
101. Целишев В. В. Понятие объекта в модальной логике. – Новосибирск, 1978.
102. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантӣқ. -Т.: 2001. – 219 б.
103. Шапиро А. Б. Модальность и предикативность как признаки предложения в современном русском язўке. ФН. - М. 1958. № 4. – С. 20-26.
104. Ўзбек Миллий Энциклопедияси. - Т., 2004, № 7. – 283 б.

105. Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. Автореф. дис. д-ра. филол. наук. М., 1983. - 37 с.
106. Ёкубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантик ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. - Т.: Фан, 2005. - 224 б.
107. /арб фалсафаси. Т.: Шарк, 2004. - 718 б.
108. Хожиев А. Тўликсиз феъл. - Т.: Фан, 1970. – Б. 137-142. – Б. 167-228. – Б. 230-245.
109. Brunot F. La pensйe et la langue. - 2-e ed. -P., 1936.
110. Frege G. On sens and reference.- Translations from philosophical writings of Gottlob Frege, Oxford, 1952, - 63 p.
111. Gak V.G. Essai de grammaire fonctionnelle du fanzais. - М.: 1974. – pp. 24-63.
112. Grevisse M. Le bon usage. Grammaire franzaise. - Belgiques: Duculot, 1964.
113. Gillaume G. Temps et verbe. - P., 1970.
114. Halliday M.K. System and function in language: Selected papers. -Ed. By G, R. Kress. London Oxford Univ. Press, 1976.
115. Hintikka J. Knuuttila S., Remes U. Aristotle on modality and determinise - Acta Philos. Fenn., 1977, vol. 29. JST«1.
116. Imbs P. « L' emploi des temps » - P., 1960.
117. Kripke S. Sematical considerations on modal logic. Acta Philos. Fennica, 16 (1963).
118. Leech G., Svartvik J.A. Communicative grammar of English. London: Longman Group Ltd., 1975.
119. Lewis C. J. The modes of meaning. - «Semantics and the Philosophy of language », t. 1, Urbana, 1952.
120. Lewis C. L, Langford. Symbolic. Logic, N. Y., 1959.
122. Martin R. Temps et aspect. - P., 1971.
123. Modalitй, опйration de modalisation, et mode мйdiatif. Http: // www.yorku.ca/paull/articles/2004a.html.

124. Parry W.T. Modalities in the «Survey» system of strict implication. Journ. of Symb. Logic, 4 (1939).
125. Perret D. Les verbes «pouvoir» et «vouloir» dans les énoncés de proposition // Langue française. № 21. 1974. - pp. 106-121.
126. Sten H. “devoir” + infinitif // Le français moderne. № 22. 1954. - pp. 263-265.
127. Tesnière L. Eléments de syntaxe structurale. - P., 1969
128. Gak V.G . Essai de grammaire fonctionnelle du français. - M., 1974.

Диссертацияда қўлланган бадиий адабиётлардан олинган
қисқартма сўзлар

129. +Ў+ - Абдулла +одирий. Ўтган кунлар. Тошкент, «Шарқ», 2000. -395 б.
130. ЧКК – Чўлпон. Кеча ва Кундуз. «Шарқ», - Тошкент, 2000. - 290 б.
131. SCS - Sagane Françoise . Un certain sourire. - M., 2000.
132. STN - Simenon Georges. La tcte d’ un homme. - P., 2003.
133. SMVD - Simenon Georges. Maigret et la vieille dame. - P., 2004..

R E S U M E

Il y a depuis longtemps que le problème de modalité attire l'attention non seulement des philosophes et des représentants des sciences naturelles, mais aussi des linguistes de tous les époques. On peut noter beaucoup de controverses sur ce problème.

Nous savons que le verbe pouvoir est un des verbes français qui exprime la signification de la modalité. Notre travail est consacré à l'étude profonde de ce problème, à la comparaison de l'emploi de ce verbe à celui du russe et d'ouzbek, à montrer ses traits typiques et distinctifs et se compose de l'introduction, de trois chapitres, de la conclusion, du résumé et de la liste des œuvres utilisés.

Dans l'introduction nous avons souligné nos devoirs et nos tâches, l'actualité et la valeur scientifique du thème choisi et nous avons énuméré les méthodes, utilisés pour réaliser ces devoirs et ces tâches.

Le premier chapitre de notre travail est étroitement consacré à la particularité sémantique de la catégorie de modalité et leur manifestation dans les différentes langues. Etudiant les idées des différents linguistes comme: V. V. Vinogradov, V. G. Gak, A. A. Chakhmatov, A. A. Ptebnya, A. M. Pechkovsky, L. V. Cherba, F. F. Fortunatov et beaucoup d'autres nous avons tâché de prouver la fertilité de l'emploi de la

catégorie de modalité dans des différentes langues appartenant aux différentes familles. Beaucoup d'exemples, tirés de différents livres, dictionnaires, en témoignent.

Au deuxième chapitre nous examinons l'emploi du verbe "pouvoir" dans des propositions simples, interrogatives.

La conclusion contient tous les résultats de nos recherches sur l'emploi et la catégorie sémantique de modalité du verbe "pouvoir".

